2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 46 (835), 2023 йил 8 март, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# МАМЛАКАТИМИЗ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИБ БЕРИШ – ДОИМО ЭЪТИБОРИМИЗ МАРКАЗИДА



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АЁЛЛАРНИ БАЙРАМ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

**Халқаро конгресс марказида 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, мамлакатимиз аёлларига табрик йўллади.

— Бугун ҳар биримиз чексиз миннатдорлик ҳисси билан Яратганнинг буюк мўъжизаси бўлган аёл зотига — меҳрибон оналаримиз, қадрли опа-сингилларимиз, лобар қизларимиз шаънига энг гўзал сўзларни айтишимиз табиийдир. Биз сизларни энг аввало фидойилик тимсоли деб биламиз. Меҳридарё қалбингиз, ақл-заковатингиз, севги ва садоқатингиз учун сизлардан бир умр қарздормиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Ҳақиқатан ҳам, барча соҳаларда хотин-қизларнинг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда аёлларимизнинг улуши тиббиётда — 77 фоизни, таълим соҳасида — 74 фоизни, иқтисодиёт ва саноат тармоқларида эса 46 фоизни ташкил этмоқда. 2 минг нафарга яқини давлат ва жамоат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилмоқда.

Агар 2017 йилда хотин-қизларнинг бошқарув соҳасидаги улуши 27 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда 33 фоизга, сиёсий партиялар сафида 40 фоиздан 47 фоизга, тадбиркорликда 21 фоиздан 37 фоизга етган.

Халқимиз олдидаги муносиб хизматлари учун аёллардан 17 нафари энг олий мукофот — "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони билан тақдирланган. Хотин-қизларимиз орасида 5 нафар академик, олий таълим муассаcаларининг ўзида 700 нафардан зиёд фан доктори, қарийб 3 минг нафар фан номзоди, шунингдек, фахрий унвонларга сазовор бўлганлар бор.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳаёт ва меҳнат шароитларини яхшилашга устувор аҳамият қаратилмоқда. Шу мақсадда ўтган йили 872 мингдан ортиқ хотин-қизларнинг бандлиги таъминлангани, 250 мингдан зиёди меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарлар ва тадбиркорликка ўқитилгани қайд этилди.

Ўтган йили 14 мингга яқин аёлнинг уй-жой шароити яхшиланган. "Аёллар дафтари" доирасида салкам 642 минг нафар хотин-қизга амалий ёрдам кўрсатилган.

Президент қизларнинг сифатли таълим олишига тўхталар экан, жадид бобомиз Абдурауф Фитратнинг "Оналар — бутун башариятнинг тарбиячиларидир" деган сўзларини ёдга олди.

Сўнгги йилларда бу борадаги шароитлар изчил кенгайтирилди. Агар бундан 6 йил аввал олийгоҳларда 110 минг нафар хотин-қиз таҳсил олган бўлса, ҳозирги кунда бу рақам қарийб 500 минг нафарни ташкил этмоқда.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарама онахонлар!

Мунис опа-сингиллар!

Дилбар қизларим!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Биз бу қутлуғ байрамни доимо орзиқиб, катта қувонч ва ҳаяжон билан кутамиз. Чунки бу шукуҳли айём юртимизга яшариш ва янгиланиш фаслини — фасли навбаҳорни бошлаб келади. Бу байрам дилимиздаги сиз, азизларга бўлган самимий ҳурмат ва эҳтиромимизни, меҳру муҳаббатимизни яна бир бор ифода этишга имкон беради.

Бугун ҳар биримиз чексиз миннатдорлик ҳисси билан Яратганнинг буюк мўъжизаси бўлган аёл зотига — меҳрибон оналаримиз, қадрли опа-сингилларимиз, лобар қизларимиз шаънига энг гўзал сўзларни айтишимиз табиийдир.

Биз сизларни энг аввало фидойилик тимсоли деб биламиз. Меҳридарё қалбингиз, ақл-заковатингиз, севги ва садоқатингиз учун сизлардан бир умр қарздормиз.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда, Учинчи Ренессанс бунёдкори бўлган ёш авлодни тарбиялашда сизларга, сизларнинг буюк мураббийлик фазилатларингизга таянамиз.

Қадрли опа-сингиллар!

Биз эркин ва фаровон, демократик, дунёга очиқ мамлакатни барпо этишда бутун халқимиз қатори хотин-қизларимиз ҳам беқиёс ҳисса қўшаётганини албатта юксак қадрлаймиз.

Шу борада фақат айрим рақамларни келтириб ўтишга рухсат бергайсиз.

Ҳозирги вақтда юртимизда фидокорона меҳнат қилаётган ҳурматли аёлларимизнинг улуши тиббиётда — 77 фоизни, таълим соҳасида — 74 фоизни, иқтисодиёт ва саноат тармоқларида эса 46 фоизни ташкил этмоқда.

Агар 2017 йилда хотин-қизларнинг бошқарув соҳасидаги улуши 27 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда 33 фоизга, сиёсий партиялар сафида 40 фоиздан — 47 фоизга, тадбиркорликда 21 фоиздан — 37 фоизга етди.

Билимли, ташаббускор ва фаол аёлларимиздан 2 минг нафарга яқини давлат ва жамоат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилмоқда. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 33 фоизи, Сенат аъзолари ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатларининг 25 фоизи хотин-қизлар эканини таъкидлаш лозим.

Ватанимиз ва халқимиз олдидаги муносиб хизматлари учун аёлларимиздан 17 нафари энг олий мукофот — "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони билан тақдирланган. Хотин-қизларимиз орасида 5 нафар академик, олий таълим муассасаларининг ўзида 700 нафардан зиёд фан доктори, қарийб 3 минг нафар фан номзоди, шунингдек, "Ўзбекистон халқ шоири", "Халқ артисти", "Халқ ўқитувчиси" ва бошқа фахрий унвонларга сазовор бўлган кўплаб аёлларимиз бор.

**Бундай жонкуяр опа-сингилларимизни Янги Ўзбекистоннинг олтин фонди, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.**

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳаёт ва меҳнат шароитларини яхшилаш, уларга дахлдор ижтимоий муаммоларни ҳал этишга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Шу мақсадда ўтган йили 872 мингдан зиёд хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди. 233 мингдан кўпроқ аёлларга 4 триллион 700 миллиард сўм кредит ажратилди. 252 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарлар ва тадбиркорликка ўқитилди.

Хабарингиз бор, биз халқимиз, айниқса, опа-сингилларимизни кўпдан буён қийнаб келган уй-жой муаммосини ечиш мақсадида катта дастурларни амалга оширмоқдамиз. Агар 2017 йилда мамлакатимиз бўйича қарийб 8 минг квартирали 191 та кўп қаватли уй-жой қурилган бўлса, ўтган йили — шунга эътибор беришингизни сўрайман — 56 минг квартирали 1433 та уй-жой барпо этилди. Жорий йилда эса яна 90 минг хонадон учун турар-жойлар қурилади.

Ўтган йили 14 мингга яқин опа-сингилларимизнинг уй-жой шароити яхшиланди, қарийб 7 минг нафар эҳтиёжманд хотин-қизларга ижара тўловлари қоплаб берилди.

Мана шундай эзгу ишларимиз орқали қанча хонадонларга қувонч ва шодлик киргани, қанча-қанча одамларнинг ҳаёт даражаси ва сифати тубдан ўзгаргани, минглаб аёлларимизнинг руҳи кўтарилиб, уларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамлангани биз учун энг муҳим натижадир.

Сўнгги йилларда "Аёллар дафтари" доирасида ҳам катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Қисқа муддатда салкам 642 минг нафар опа-сингилларимизга амалий ёрдам кўрсатилгани бу борадаги ишларимиз кўламидан далолат беради.

Хотин-қизлар саломатлигини асраш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, миллий генофондни яхшилаш мақсадида ўтган йили 9 миллион нафар аёл тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг 3 миллиондан зиёди амбулатор, 347 минг нафари эса стационар шароитда даволанди.

Давоми 2-бетда

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

## ЯНГИЧА ИШЛАШ ВА БОШҚАРУВНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМЛАРИ

### КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ СОҲАСИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИНИ БОШЛАБ БЕРДИ

**Қизилқум саҳроси ва бошқа ҳудудлар бағридаги бойликлар юртимиз равнақи, иқтисодиётимизга хизмат қилиб келади. Бугунги кунда шу томонларга йўлингиз тушиб қолса, улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Кончилик соҳасининг малакали муҳандис ва мутахассислари замонавий гидрометаллургия заводлари, кон ва шахталар ҳамда темир йўллар қурмоқда. Уларнинг матонатли меҳнати билан Навоий кон-металлургия комбинатининг янги тарихи битиляпти.**

Давоми 3-бетда



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

## ХОРИЖДА ЎҚИГАН ЎЗБЕК ЖАДИД АЁЛЛАРИНИНГ "АЙБИ" НИМА ЭДИ?

**"...Жоним азобда қолди. Юрагимни очиб сўзлайдиган кимсам йўқ. Қалбимни қоғозга тўкиб солмоқчиман. Шу ниятда қўлимга қалам олдим. Меним виждоним пок эди. Мен берилиб, виждон билан меҳнат қилардим. Аммо ҳеч қачон жиноят қилмаган эсам-да, мени яна қамоқхонага ташладилар. О, қанчалар азобда қолганимни билсалар эди... 1954 йилда яна юртимга қайтиб келдим ва Урганчнинг Қорамон қишлоғида ишлай бошладим... ...Матбуот — ижтимоий ҳаёт мактабидир! Матбуот — кишиларни олға ундовчи байроқ! Шундай экан, менинг нега газета ўқишим мумкин эмаслигини тушуна олмайман. Она юртида нима бўлаётганидан бехабар киши унга қандай хизмат қила олади, ўз халқига қандай фойда келтира олади?".**

Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи илмий ходими Баҳром Ирзаев ҳамроҳлигида ўзбек жадид хотин-қизларининг мақолалари ва мактублари билан танишар эканмиз, ўша суронли йилларда янги бир ҳаёт қуриш истагида катта йўлга отланган жадид боболаримиз сафидаги ўзбек аёллари қисмати ҳукмрон замоннинг шафқатсиз машинаси остида янчиб ташланганига гувоҳ бўламиз. Бироқ... уларнинг қисқа бўлса-да, ибратли қисмати биз учун ўлмас сабоқдир! Она юртимиз, миллатимиз равнақи, илму маърифати йўлида жон берган боболаримиз ва момоларимиз номларини такрор-такрор тилга олган дақиқаларда уларнинг эзгу ғоялари қалбимизда тирилгани сайин ўзимиз ҳам ана шу буюк куч — Она Ватан шаъни, қадри учун илм олишимиз, курашишимиз, яшашимиз ва ижод қилишимиз кераклигини янада чуқурроқ англай бошлаймиз.

**— Баҳром ака, манбалар билан танишаётган чоғимизда бир гапни таъкидлаб айтдингиз: "...Ўзбек жадид аёли Марям Султонмуродовадан большевиклар ниҳоятда ҳайиқар эди". Жадид боболаримиз сафида туриб юрт ва миллат равнақи йўлида курашган ўзбек хотин-қизларининг замондошларидан устун жиҳатлари, фазилатлари қайси воқеликларда кўзга ташланади? Марямхоннинг "айби" нима эди?**

Давоми 6-бетда

# МАМЛАКАТИМИЗ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИБ БЕРИШ — ДОИМО ЭЪТИБОРИМИЗ МАРКАЗИДА



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АЁЛЛАРНИ БАЙРАМ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Янги тартибга мувофиқ, магистратурада ўқиётган 10 мингдан ортиқ талаба қизларнинг контракт пуллари давлат томонидан тўлаб берилди. 65 мингдан кўпроқ талаба хотин-қизларга фоизсиз таълим кредити ажратилди. Эҳтиёжманд оилаларда яшаётган қарийб 2 минг нафар қизлар, шунингдек, мутахассислиги бўйича беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган 500 нафардан ортиқ хотин-қизлар олийгоҳларга алоҳида квота асосида ўқишга қабул қилинди.

— Қандай қонун ва қарорларни қабул қилмайлик, қандай ислоҳотларни ҳаётга жорий этмайлик, давлат раҳбари сифатида менинг кўз ўнгимда аввало мунис оналаримиз, меҳрибон опа-сингилларимиз сиймоси, уларнинг дарду ташвишлари туради. Сиз, азизларимнинг оила даврасида тинч-омон, соғ-саломат, фаровон ва бахтли турмуш кечиришингиз, жамият ҳаётида фаол иштирок этишингиз учун хизмат қилишни мен ўзим учун нафақат асосий вазифа, балки шарафли бурч, деб биламан. Чунки оила таянчи, жамият устуни бўлган оналаримиз, аёлларимиз ҳаётдан рози бўлса, бутун халқимиз ҳаётдан рози бўлади. Халқ рози бўлса, Яратганимиз ҳам биздан рози бўлади, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 мартдаги фармонига мувофиқ бир гуруҳ хотин-қизлар юксак унвон, орден ва медаллар билан, Президент қарорига биноан эса 28 нафар қиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган эди. Тадбирда ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган хотин-қизлар, турли вазирлик ва идоралар ходимлари файзли дастурхон атрофида байрамни нишонлади.

Шодиёнада чет эллик дипломат аёллар, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ҳам иштирок этди. Давлатимиз раҳбари уларни ҳам самимий табриклади.

Байрам тантанали концерт дастури билан якунланди.

**ЎзА**



*А.Абдуллаев (ЎзА) олган суратлар.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Юртимизда хотин-қизларнинг сифатли таълим ва тарбия олишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мутафаккир жадид бобомиз Абдурауф Фитрат таъбири билан айтганда, **“Оналар — бутун башариятнинг тарбиячиларидир”.**

Дарҳақиқат, оилада бир нафар қиз ўқиб, олий маълумотга, замонавий касб-ҳунарга эга бўлса, хонадондаги муҳит бутунлай ўзгаради. Биз шу мақсадда хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим дастурни қабул қилдик.

Қиёслаш учун бир мисол келтирмоқчиман.

Агар бундан 6 йил аввал олийгоҳларда 110 минг нафар хотин-қиз таҳсил олган бўлса, ҳозирги вақтда бу рақам қарийб 5 баробар кўпайиб, 500 минг нафарни ташкил этмоқда. Шу тариқа бугунги кунда олий таълим олаётган талабалар орасида қизларимизнинг улуши 50 фоизга етгани тарихимизда мисли кўрилмаган натижадир.

Янги тартибга мувофиқ, магистратурада ўқиётган 10 мингдан ортиқ талаба қизлар учун 68 миллиард сўмдан зиёд контракт пуллари давлат томонидан тўлаб берилди. 65 мингдан кўпроқ талаба хотин-қизларга 727 миллиард сўмга яқин фоизсиз таълим кредити ажратилди.

Эҳтиёжманд оилаларда яшаётган қарийб 2 минг нафар қизлар, шунингдек, мутахассислиги бўйича беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган 500 нафардан ортиқ хотин-қизларимиз олийгоҳларга алоҳида квота асосида ўқишга қабул қилинди.

Дунёда чуқур иқтисодий инқироз давом этаётган ҳозирги кунда, қанчалик қийин бўлмасин, зарур маблағ ва имкониятларни топиб амалга ошираётган бундай саъй-ҳаракатларимиз албатта ўз натижасини беради. Олийгоҳларда таҳсил олаётган хотин-қизларимиз орасидан илм-фан, сиёсат ва жамоат арбоблари, машҳур маданият ва санъат, спорт намояндалари етишиб чиқади, деб ишонаман.

Азиз опа-сингиллар!

Кейинги йилларда Ўзбекистон хотин-қизларининг овози халқаро минбарлардан ҳам дадил янграётгани барчамизни қувонтиради. Улар минтақавий ва халқаро тузилмалар, нуфузли форум ва анжуманларда фаол иштирок этаётганидан хабарингиз бор.

Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатимиз ташаббуси билан 2020 йилда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқотига асос солинганини таъкидлаш лозим. Ўтган йили эса Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Хотин-қизлар форуми бўлиб ўтди. Буларнинг барчаси хотин-қизлар муаммоларини минтақа ва халқаро миқёсда муҳокама қилиш, уларни ҳал этиш бўйича янги ташаббусларни илгари суриш имконини бермоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган, ана шундай саъй-ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлаб келаётган хорижий давлатларнинг ҳурматли элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилаларини ҳам самимий қутлайман. Барчамиз чин дилдан уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик ва фаровонлик тилаймиз.

Қадрли ватандошлар!

Шу ўринда кўнглимдаги бир эзгу фикрни сиз, азизларга айтишни жоиз деб биламан.

Биз Ўзбекистонда қандай қонун ва қарорларни қабул қилмайлик, қандай ислоҳотларни ҳаётга жорий этмайлик, давлат раҳбари сифатида менинг кўз ўнгимда аввало мунис оналаримиз, меҳрибон опа-сингилларимиз сиймоси, уларнинг дарду ташвишлари туради.

Сиз, азизларимнинг оила даврасида тинч-омон, соғ-саломат, фаровон ва бахтли турмуш кечиришингиз, жамият ҳаётида фаол иштирок этишингиз учун хизмат қилишни мен ўзим учун нафақат асосий вазифа, балки шарафли бурч, деб биламан. **Чунки оила таянчи, жамият устуни бўлган оналаримиз, аёлларимиз ҳаётдан рози бўлса, бутун халқимиз ҳаётдан рози бўлади. Халқ рози бўлса, Яратганимиз ҳам биздан рози бўлади.**

Хабарингиз бор, республика хотин-қизлар ташкилоти ҳозирги вақтда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси сифатида янгича мазмунда фаолият кўрсатмоқда. Қўмитанинг ваколат ва фаолият доираси кенгайтирилиб, унинг таркибига билимдон ва юқори малакали янги кадрлар жалб этилди. Жумладан, тарихимизда биринчи марта энг қуйи бўғинда — 9 минг 400 дан зиёд маҳаллада аёллар муаммоларини ҳал этишга кўмаклашадиган хотин-қизлар фаоли лавозимлари жорий этилди.

Буларнинг барчаси Оила ва хотин-қизлар қўмитасини Ўзбекистон аёлларининг чинакам таянчи ва суянчига айлантиришга хизмат қилади.

Муҳтарам ватандошлар!

Маълумки, турли соҳаларда дастлабки муҳим натижаларга эришиб, ёшларимизга намуна бўлаётган истеъдодли қизларимизни шу қутлуғ байрам арафасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш яхши анъанамизга айланган. Бугун Зулфияхонимга муносиб издош сифатида эътироф этилган яна 28 нафар оқила ва истеъдодли қизларимизга ана шу мукофотларни топширамиз.

Сиз, азиз қизларимни ҳаётингиздаги илк зафар билан чин дилдан табриклаб, барчангизга янги-янги ютуқлар тилайман.

Бугунги хурсандчилик кунда ўз соҳасида ибратли натижаларга эришган, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган ҳурматли аёлларимиздан катта бир гуруҳи давлатимизнинг юксак орден ва медалларига сазовор бўлдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг барчасини самимий табриклайман.

Азиз ва қадрли ватандошлар!

Бугунги ўта оғир ва мураккаб замонда биз ўз олдимизга улкан вазифаларни қўймоқдамиз. Уларни бажариш албатта осон бўлмайди. Лекин бу шарафли йўлда бизга чексиз куч ва мадад берадиган мард ва олижаноб халқимиз, муҳтарама оналаримиз, азиз опа-сингилларимиз бор экан, кўзлаган улуғ мақсадларимизга албатта етамиз.

Янги Ўзбекистонни барчамиз биргаликда бунёд этамиз!

Сизларга, бутун мамлакатимиз аёлларига сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Қутлуғ байрамингиз муборак бўлсин!

**ДАВЛАТ ДАСТУРИ**

**Ботирбек ТЎРАЗОДА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

## ХОТИРЖАМЛИК КАФОЛАТИ

**2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури барча йўналишларни бирдек қамраб олгани ва ҳар бири, аввало, юртдошларимиз турмуш фаровонлигини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.**

Масалан, аҳолини уй-жой билан таъминлашни олайлик. Одамларни энг кўп ташвишга соладиган бу масала кейинги йилларда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ҳар бир фуқаро ўз “кичик ватани”га эга бўлсин, оиласи фаровонлиги йўлида хотиржам меҳнат қилиб, муносиб яшасин, деган мақсадда қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Уй-жойга муҳтож фуқароларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ипотека кредитлари, субсидиялар ажратиляпти.

Қайси ҳудудга борманг, уй қурилишига кўзингиз тушади. Охирги олти йилда мамлакатимиз бўйича қарийб 300 мингта уй-жой қурилди. Мазкур йўналишдаги ишлар фаол давом этяпти. Буларнинг бари талабнинг юқорилиги билан боғлиқ. Ахир юртимизда аҳоли сони 36 миллиондан ошди, ҳар йили сафимизга 900 минг киши қўшилмоқда.

Шу боис, давлат дастурида жорий йил “Янги Ўзбекистон” массивлари ва 161 та бошқа массивда, жумладан, хусусий пудрат ташкилотлари томонидан янги уй-жойлар қуришнинг йиллик ҳажми 1,6 баробар оширилиб, 90 мингга етказилиши белгиланди. Бу бир умр ўз уйи бўлишини орзу қилиб яшаётган юртдошларимизнинг айни дилидаги иш бўлди. Гап шундаки, уй-жой қурилиши билан бирга, уларни қулай шарт ва имкониятларда, ёрдам асосида харид қилиш ечими ҳам кенгаймоқда. Айниқса, 32 минг фуқарога бозор тамойилларига асосланган ипотека кредити, шунингдек, 11 минг кишига бошланғич бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплашга субсидиялар ажратиш учун давлат бюджетидан катта маблағлар йўналтирилади.

Бу борада янги лойиҳаларга ҳам қўл урилмоқда. Хусусан, Тошкент вилоятида тажриба-синов тариқасида “Менинг биринчи уйим” дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилиши белгиланган. Бу дастур аҳолини бозор тамойиллари асосида ипотека кре-



дитлари орқали уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби доирасида мулк ҳуқуқи асосида уйга эга бўлмаган фуқаролар учун жорий этилади.

### Деҳқон ер эгасига айланади

Олдимизда турган энг катта вазифалардан яна бири аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришдир. Тайинли иш жойи, доимий даромад манбаи йўқ одам хотиржам яшолмайди. Бир кишининг ишсизлик муаммоси бутун оила кайфияти, фаровонлик муҳитига таъсир кўрсатади. Меҳнатга лаёқатли инсоннинг бўш қолиб, аламзадаликда турли муаммоларга аралашиб қолиши эса жамият учун фожиадир. Камбағалликнинг илдизи ҳам ишсизликка бориб тақалади.

Шу боис, юртимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш бўйича тизимли ишлар қилиняпти. Аввало, бу ҳаракатлар маҳалладан бошланаётгани эса дунёда ўхшаши бўлмаган “маҳаллабай” ишлаш тизимининг самарали механизмга айланиб улгурганидан далолат беради.

Авваллари ишсиз фуқаро кимга мурожаат қилишни билмай, ташкилотлар ўртасида сарсон бўларди. Ҳозир эса маҳалла идорасига чиқишининг ўзи кифоя. Маҳаллада унга ишли ёки даромад манбаига эга бўлгунига қадар ёрдамлар кўрсатилади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ерлари ёки томорқа майдонларидан фойдаланишга аҳоли бандлигини таъминлашнинг энг самарали усулларидан бири сифатида қаралмоқда. Бу йўналиш қўшимча даромад топишнинг ҳам қулай йўли. Фаолиятим аграр тармоқ бўлгани боис, шу соҳадаги ишларга алоҳида тўхталмоқчиман.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётимиз улушининг тўртдан бир қисмини ташкил қиладиган муҳим соҳа. Ялпи ички маҳсулотнинг салкам 30 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. Тармоқда меҳнатга лаёқатли аҳолининг учдан бир қисми фаолият кўрсатади. Соҳада мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш ҳисобига ушбу рақамларни янада ошириш мумкин.

Яқин йилларда бошланган катта ислоҳотлар бунга кенг имкониятлар эшигини очяпти. Хусусан, йилда бир неча маротаба ҳосил олиш, сифатли ва ҳосилдор озиқ-овқат етиштириш, бозорлардаги тўкин-сочинлик, экспорт ҳажми ортиши ва агротадбиркорлар кўпайиб бораётгани соҳадаги янгиланишлар маҳсули. Қолаверса, замонавий технологиялар, илм-фан ютуқлари олиб кирилиб, маҳсулотни етиштиришдан то экспортгача бўлган жараённи қамраб олувчи кластер тизими яратилгани, аҳолига узоқ муддатли ижара шартлари асосида ер бўлиб берилаётгани, ғалла ва пахта сотувида эркин бозор механизмлари жорий этилгани ўз самарасини кўрсатмоқда.

Давлат дастурида 2026 йилга қадар қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсиш суръатини камида 5 фоизга етказиш, шунингдек, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 1,5 баробар ва иссиқхоналарни 1,2 баробар кўпайтириш ҳам мақсад қилинган. Бу, ўз навбатида, экспорт ҳажмини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Жараёнда аҳолига янада кўпроқ имкониятлар бериш кўзда тутилмоқда. 2023 йилда сув таъминоти яхши бўлган 100 минг гектаргача қўшимча экин майдонини деҳқончилик кўникмаларига эга бўлган, хусусан, ишсиз ва кам таъминланган аҳолига ажратиш ҳисобидан қарийб 350 мингта янги деҳқон хўжалигини ташкил этиш белгиланди. Шунингдек, 750 минг деҳқон хўжалигини тадбиркорга, ер эгасига айлантириш, бунинг ҳисобига қишлоқларда ижтимоий муаммолар, аввало, ишсизлик ва камбағаллик масаласини ҳал этиш чора-тадбирларини давом эттириш назарда тутилганки, бу фуқароларнинг фаровон яшашига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Аммо қишлоқ хўжалигида иш осон эмас. Айниқса, ҳозирги даврда уни илм-фан, замонавий технологияларсиз ривожлантириш имконсиз. Биргина сув масаласини олайлик. Сув танқислиги, қурғоқчилик аллақачон глобал муаммога айланиб, барча халқларни бирдек ўйлантираётгани бежиз эмас. Чунки мазкур муаммо кўлами йил сайин кенгайиб, озиқ-овқат хавфсизлиги, иқлим ўзгаришлари, ҳавонинг ифлосланиши, биохилма-хиллик бузилиши сингари кўплаб оқибатлари билан хавф солмоқда. Ер юзида сув ҳажми камайиб бораётгани кўпроқ қишлоқ хўжалигига жиддий зарар етказяпти.

Масалан, сув бўлмаган ёки етиб бормайдиган ҳудудларда деҳқончилик қилиб, экин-тикин қилиш мумкинми? Йўқ, албатта. Афсуски, бундай муаммолар юртимизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида таъкидлаганидек: **“Мамлакатимиз сўнгги 3 йилда қурғоқчиликни бошдан кечирди. Бунинг таъсири, айниқса, Амударёнинг қуйи ҳавзасидаги ҳудудларимизда яққол сезилди”.**

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, Конституциямизда табиий ресурслар, жумладан, сув ҳавзалари ва ер ости захираларини муҳофаза қилиш бўйича талабларни кучайтириш зарурлиги ҳам кўзда тутилган.

Сув тақчиллиги тупроқ сифати бузилишига олиб келади. Устига-устак, 5,5 миллион гектардан ортиқ майдонда Оролқум саҳроси пайдо бўлгани, у ердан ҳар йили 100 миллион тонна қум ва туз ҳавога кўтарилаётгани минтақада тупроқ таркиби бузилишига, унумдор ерлар қисқаришига сабаб бўляпти. Аксарият ҳудудларимизда тупроқ таркиби бузилиб, унумдор ерлар қисқариб бораётгани, чўлланиш, сув етишмаслиги, қурғоқчилик, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш каби муаммолар юзага келяпти. Бундай шароитда сув манбаларини муҳофаза қилиш, сақлаб қолиш ва келажак авлодга етказиш учун барча имкониятларни ишга солишга тўғри келади.

Аввало, соҳада замонавий, тежамкор технологиялардан фойдаланиш кўрсаткичларини ошириш белгиланган. Масалан, қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачиликда кластер тизими жорий этилгач, сув ресурсларини иқтисод қилиш, суғоришнинг тежамкор усулларини кенгайтириш имконияти пайдо бўлди. Натижада қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган ерлар ҳам ўзлаштирилмоқда. Жорий йилда пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 300 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилиши кўзда тутилган. Бунинг ҳисобига 2 миллиард метр куб сув иқтисод қилиниши кутилмоқда.

Сув тақчиллиги муаммоси таъсирини камайтириш, қурғоқчилик ва обиҳаёт тақчиллигини юмшатиш мақсадида сув ҳисобини очиқ-ошкора юритиш тизими жорий этилмоқда. Келгуси уч йилда 13 мингга яқин сув хўжалиги объектини рақамлаштириш, 16 та йирик насос станциясини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиб, муқобил энергияга ўтказиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишларни кучайтириш назарда тутилган.

Умуман, давлат дастурининг ҳар бир банди мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш, давлат ва жамиятни уйғун ва жадал ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, мамлакатимизни тараққиётнинг янги босқичига олиб чиқишдек улуғвор мақсадларни ўзида мужассам этади. Энди уларнинг ижросига ўз ҳиссамизни қўшиш, ҳеч бўлмаганда, берилаётган имкониятлардан тўғри фойдаланиш орқали оиламиз фаровонлигини таъминлашимиз айни муддао бўлади.

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

# ЯНГИЧА ИШЛАШ ВА БОШҚАРУВНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМЛАРИ

## кон-металлургия соҳасининг янги босқичини бошлаб берди

Бошланиши 1-бетда

**“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси — бош директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Қувондиқ САНАҚУЛОВ** билан суҳбатда бугунги кунда вақт қадри, глобал рақобат шароитида ишлаш масъулияти, жамият олдида турган вазифалар, ёш ва малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳал этиш йўллари каби масалалар хусусида сўз борди.

**— Кунлар ойларни, улар эса, ўз навбатида, йилларни етаклаб келаверади. Бу табиат тамойили, вақт мезони. Бинобарин, ҳар бир дақиқа қадри амалга оширилган ишлар, уларнинг самаралари, ҳаётбахш янгиланишлар завқи билан белгиланади. Шу жиҳатдан “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти фаолиятига назар ташлаганда, ўтган йил қандай жиҳатлари билан ажралиб турди, глобал рақобат муҳити қандай замонавий тизимларга ўтишни тақозо этяпти, деб ўйлайсиз. Қолаверса, комбинат ўз салоҳиятига кўра, наинки мамлакатимизда, балки жаҳон кон-металлургия соҳасида ҳам етакчилар қаторида. Табиийки, вазифалар залвори ҳам, рақобат кўлами ҳам шунга яраша катта.**

— Сиз вақт тўғрисида гапирганда, корхонамиз бўлинмалари юртимизнинг турли ҳудудларида жойлашгани, унда салкам 50 минг нафар одам ишлаши, ишлаб чиқариш жараёнлари йил-ўн икки ой тўхтовсиз давом этишини ҳам назарда тутаётган бўлсангиз керак, назаримда. “Ҳаётни севсанг, вақтни бой берма, чунки вақтдан ҳаёт яралади”, деган файласуфлардан бири. Инсон учун энг қимматли нарса вақт ҳисобланади. Вақт — инсоният пайдо бўлгандан буён жамият тараққиётида ва давлатлар ривожида долзарб бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. 2019 йилда ана шу мавзуга бағишланган “Вақт — умуминсоний қадрият” номли китобимизни ҳам чоп эттиргандик. Бу китобни биринчи навбатда, ёшларимиз учун ёздик. Негаки, инсон учун энг қимматли нарса вақтни ёшлик давридан бошлаб қадрлаш ва ундан унумли фойдаланиш жуда муҳим.

Халқимизда “йил-йилга ўхшамайди”, деган гап бор. Ўтган йил дунёда рўй берган зиддият ва қарама-қаршиликларга қарамасдан, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва халқаро ҳаётида ютуқлар ва ижобий ўзгаришларга бой бўлди. Синовли ва мураккаб келган 2022 йилда эришган натижаларимиз бунинг исботидир. Ўтган уч юзу олтмиш беш кун жамоамиз учун ҳам эсда қоларли, қувончли воқеалар кўп бўлди.

2022 йилнинг энг муҳим жиҳати, бу — Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг қабул қилиниши бўлди. Тараққиёт стратегияси 2017-2021 йилларда амалга оширилган Ҳаракатлар стратегиясининг мантиқий давоми сифатида ислоҳотларни амалга оширишда янги босқич бўлади. Энг муҳими, ундаги 7 устувор йўналишнинг бош ғоясида инсон қадрини таъминлашга асосий эътибор қаратилган.

Бугунги кунда дунё бозоридаги кучли рақобат барчамиздан янгича фикрлаш ва ишлашга ҳамда бошқарувнинг замонавий тизимларига ўтишни талаб этмоқда. Шу маънода, 2022 йил комбинатимиз тарихида ҳам жуда муҳим даврни бошлаб берди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан комбинатда замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиш, рақобатбардошликни ошириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва энг асосийси, соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида 2022 йил



1 январдан бошлаб жамоамиз “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти сифатида иш бошлади.

Албатта, янги бошқарув тизимига ўтиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бу борада дастлабки қадамларни ташладик. 2022 йил 30 май куни комбинат тарихида илк маротаба 2021 йил учун молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ мажмуаси Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланди. Ҳисобот халқаро аудит компанияси томонидан текширувдан ўтказилди ва ижобий хулоса берилди.

Амалга оширилаётган трансформация жараёнлари Навоий кон-металлургия комбинатини жаҳондаги олтин ишлаб чиқарувчи йирик компаниялар билан рақобатбардошлигини ошириб, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга хизмат қиляпти.

**— Президентимиз парламент ва халқимизга Мурожаатномаларида кон-металлургия соҳасини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келади. Бинобарин, жорий йил ва яқин истиқбол учун белгилаб берилган дастурлар кўлами янада катта бўлди. Уларни амалга ошириш келгусида қандай янги имкониятлар эшигини очади?**

— Тўғри таъкидладингиз, давлатимиз раҳбарининг ҳар бир Мурожаатномасида кон-металлургия соҳаси ва Навоий кон-металлургия комбинатининг истиқболи ва вазифалари белгилаб берилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси ҳам мазмун-моҳияти ва аҳамиятига кўра, дастуруламал ҳужжат бўлди. Президентимиз томонидан Мурожаатномада металлургия соҳасида беш йилдан кейин мисни 3 баробар, олтинни эса мамлакатимиз бўйича йилига 150 тоннагача етказиш вазифаси қўйилди. Бу зиммамизга катта масъулият юклайди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари кон-металлургия соҳасида амалга оширилаётган йирик лойиҳалар қаторида 2023 йилда “Пистали” конида олтин маъданини қайта ишлаш мажмуаси қурилиши якунланишини ҳам алоҳида эътироф этди. Айни вақтда “Пистали” кони негизида йилига 4 миллион тонна олтин маъданини қайта ишлайдиган 6-гидрометаллургия заводи қурилиши жадал суръатда олиб борилмоқда.

Мазкур корхонанинг ишга туширилиши натижасида 2000 дан ортиқ янги иш ўрни яратилиб, кўплаб ёшларимиз иш билан таъминланади ва бу Нурота тумани иқтисодий-ижтимоий ривожланишига катта туртки беради.

Аввало, кўп сонли жамоамизнинг меҳнати, олиб борилаётган ислоҳотлар ўлароқ корхонамиз ривожида янгидан-янги имкониятлар яратилмоқда. Жамоамиз эришаётган ютуқларда Президентимиз томонидан белгилаб берилган комбинатни ривожлантириш дастурлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда дастурда кўзда тутилган 19 йирик инвестициявий лойиҳа ишга туширилиб, 14 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Кейинги уч йилда замонавий технологияларга асосланган 5 ва 7-гидрометаллургия заводлари ҳамда 2-гидрометаллургия корхонасида йилига 12 миллион тонна маъданни қайта ишлайдиган “Б” корпуси фойдаланишга топширилганлиги корхонамиз жамоасининг улкан салоҳияти ва имкониятларидан далолат беради. Ишга туширилган замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини лойиҳалаш, қуриш, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, мураккаб кончилик асбоб-ускуналарини тайёрлашга доир ишларни ўзимизнинг маҳаллий малакали муҳандис ва тажрибали мутахассисларимиз бажармоқда. Буларнинг барчаси комбинатда шу йил якуни билан олтин ишлаб чиқариш ҳажмини 25 фоизга, кумуш ишлаб чиқариш ҳажмини эса 46 фоизга ошишига замин яратади.

**— Мамлакатимиздаги энг етакчи тармоқлардан бирининг вакили сифатида хорижлик ҳамкасблар, экспертлар ва ҳамкорлар билан мулоқотларда бўласиз. Айтингчи, улар юртимизда кейинги йилларда рўй берган ўзгаришларни қандай баҳоламоқда? Тўғридан-тўғри инвестициялар киритишга бўлган иштиёқлари қандай?**

— Энг ривожланган давлатлар ҳам бугунги тараққиёт даражасига ўз-ўзидан етиб келмаган. Биз ҳам замон талабларидан келиб чиқиб, тараққиётимизни янги босқичга кўтариш йўлида тинимсиз



меҳнат қилишимиз керак. Янги Ўзбекистон ўз танлаган йўлида дадил қадам ташламоқда. Юртимизда бўлаётган кенг кўламли ислоҳот ва ўзгаришларга барчамиз гувоҳмиз. Мамлакатимиз кейинги йилларда халқаро рейтингларда ўзининг мавқеини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Бу юртимизга инвестиция киритиш ниятида бўлган хорижлик ҳамкорлар учун жуда муҳим. Аминманки, бугун Янги Ўзбекистон дунё нигоҳида!

Биз хорижлик ҳамкасблар, эксперт ва ҳамкорлар билан тез-тез мулоқотда бўлиб турамиз. Комбинат акциядорлик жамиятига айлантирилгандан сўнг бундай учрашувлар янада ошди. Юртимизда яратиб берилаётган кенг имкониятлар туфайли хорижликларнинг биз билан ишлашга қизиқишлари ортиб боряпти. Мулоқотлардан шу нарсани сезаманки, уларнинг юртимизга қизиқиши, муносабати яхши ва улар Ўзбекистонда олиб борилаётган ишларни юқори баҳолайди.

Жорий йилнинг февраль ойида комбинатимиз мутахассислари билан Жанубий Кореяга бордик. Бугунги кунда у энг ривожланган мамлакатлар қаторида туради. Биз бу ерда мисни чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли товарларни ишлаб чиқариш, машинасозлик ва станоксозлик каби йўналишларда фаолият юритадиган 5 та компанияда бўлдик. Улар билан “НКМК” АЖ негизида ҳамкорлик қилиш бўйича меморандумлар имзоланди. Бу эса келажакда комбинатда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва жаҳон бозорига чиқишимизни таъминлайди.

Шунинг баробарида, Жанубий Кореянинг “Koma tech”, “Smart machine Tool”, “Hankook Machine Tools” компаниялари билан ўтказилган учрашувларимиз натижасида улар учун керакли деталь ва эҳтиёт қисмларни Навоий машинасозлик заводида ишлаб чиқариш ва етказиб бериш (экспорт қилиш) ҳамда комбинатда юқори технологияларга асосланган дастгоҳлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Демак, мамлакатимизда янги авлод дастгоҳларини ишлаб чиқаришда янги истиқбол йўллари очилади.

Ўзбекистондаги макроиқтисодий барқарорлик, табиий ресурсларнинг улкан захираси ва малакали ишчи кучининг мавжудлиги туфайли кейинги йилларда бошқа соҳалар қаторида кон-металлургия корхоналарига ҳам тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар йўналтирилмоқда. Жаҳоннинг кўплаб етакчи молиявий компаниялари бу соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ўзгаришлар ва унинг ривожланиш истиқболларига ишонч билан қарамоқда. Бу борада биз амалий ишларни олиб боряпмиз.

**— Ўзбекистон олтин қазиб чиқариш бўйича етакчи давлатлар қаторидан ўрин олиб келяпти. Келгусида ана шу салоҳиятни янада мустаҳкамлаш учун қандай ишлар амалга оширилади? Умуман, дунёда қимматбаҳо металлар, олтин қазиб чиқариш борасидаги жараёнлар бугунги кунда қандай вазифаларга алоҳида эътибор қаратишни кун тартибига қўймоқда?**

— Ҳа, Ўзбекистон олтин захираси бўйича дунёда бешликда, уни ишлаб чиқариш бўйича ўнликда туради. Мамлакатимизда олтин ишлаб чиқаришни йилига 150 тоннага етказиш мўлжалланяпти. Бу — жуда катта марра! Президентимиз Мурожаатномада таъкидлаб ўтганидек, бу рақамлар айтишгагина осон. Аммо бунинг орқасида қанча машаққатли меҳнат ётибди. Лекин эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш учун юртимизда имкониятлар мавжуд. Энг аввало, бу марраларни эгаллаш учун Навоий кон-металлургия комбинати ва Олмалиқ кон-металлургия комбинати ҳамда бошқа ташкилотларда тажрибали ва малакали мутахассисларимиз бор. Ишонч билан айта оламизки, улар билан соҳадаги ҳар қандай масалаларни ҳал эта олишимиз мумкин.

Бунинг учун илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини бирор дақиқа ҳам тўхтатмаслигимиз керак. Негаки, ер ости бойликларини қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш тобора мураккаблашиб бормоқда. Шу ўринда илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишда кейинги йилларда эришган ютуқларимиздан бири сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан тан олинган ихтиромиз тўғрисида айтиб ўтсам, ўринли бўлади.

Суҳбатимиз бошидаги фикрларнинг узвий давоми сифатида шуни қўшимча қилмоқчиманки, Президентимизнинг 2022 йил 12 декабрдаги фармони билан бир гуруҳ олим ва мутахассисларимиз томонидан яратилган “Технологик ва ишланиши мураккаб бўлган олтин таркибли маъданларни қайта ишлаш ва ўзлаштиришнинг комплекс технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” бўйича илмий-амалий ишланмамиз биринчи даражали Давлат мукофоти билан тақдирлангани ўтган йилнинг энг қувонарли, эсда қоларли воқеаси бўлди.



Қарийб ўн йиллик илмий изланиш ва тадқиқотлар натижасида дунёда муқобили бўлмаган ноёб технология яратишга, бу ихтирони назарий ҳамда амалий жиҳатдан республика ва халқаро миқёсда исботлаб беришга муваффақ бўлдик. У Германия, Қозоғистон ва Россияда ўтган халқаро конференцияларда муносиб ҳимоя қилиниб, илмий анжуманларнинг 1-даражали дипломларига сазовор бўлди. Кўп йиллик машаққатли изланишлар, аниқ исбот ва далилларга асосланган ихтиромизга Ўзбекистон ва Германияда патент олинди. Ушбу ихтиро мураккаб таркибли маъданларни қайта ишлашда янги ва ноёб технология ҳисобланади. Мазкур ишланма Ўзбекистон кон-металлургия саноати тарихида биринчи марта Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг олтин медалига лойиқ кўрилди.

Янги технологияни қўллаш асосида Учқудуқдаги гидрометаллургия заводида мураккаб таркибли маъданни қайта ишлаш жараёнида чиқиндига чиқиб кетадиган металл миқдорини камайтиришга эришилди ва шу ҳисобдан йилига қўшимча 1,5 тонна олтин олинмоқда.

Жаҳоннинг олтин қазиб олувчи энг йирик компанияларида маҳсулот таннархини камайтириш, энг илғор технологияларни жорий этиш, хавфсизлик техникасига риоя қилиш, экологияни яхшилаш ва асосийси, инсонга муносабат масалаларига устувор йўналишлар сифатида қаралади. Комбинатимизда ҳам бу йўналишдаги ишлар жадал олиб борилмоқда.

Ўзбекистон ҳудуди қимматбаҳо металларга бой. Ҳали замин қаърида қанчадан-қанча ўзлаштирилмаган, кашф этилмаган, бизга номаълум захиралар ётибди. Уларни ўзлаштириш олдимизда турган асосий вазифаларимиздан саналади.

**— Давлатимиз раҳбари ўз чиқишларидан бирида иқтисодий масалаларни ўзимиз ҳал қиламиз, кучимиз етмаса хориждан инвестициялар жалб этармиз, аммо ёшлар масаласи биз учун энг долзарб, хато қилиб бўлмайдиган масала, деган эди. Ёшлар учун минглаб иш ўринлари ташкил қилаётган жамият раҳбари сифатида уларга ўз мақсадларига эришишда қандай йўл тутишларини истар эдингиз?**

— Бугунги ёшларга ҳавасим келади. Бизнинг ёшлик давримизда ҳозиргидай кенг шарт-шароитлар бўлмаган. Ёшларни ҳар томонлама етук ва баркамол, интеллектуал салоҳиятли, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси, интилувчан ва ватанпарвар шахс сифатида тарбиялаш Ўзбекистонни дунёнинг энг ривожланган давлатлари сафидан ўрин олишининг кафолатидир.

Биргина тадбиркорлик ёки ахборот технологиялари соҳасида ёшларга берилаётган эътибор ва қўллаб-қувватлаш туфайли кўплаб йигит-қизлар иш билан таъминланяпти. Таълим ва тарбияга катта эътибор эса мамлакатимизнинг келажагига қўйилаётган мустаҳкам пойдевордир. Зеро, инсон илм-фан ва технологияларга таяниб тараққиётга эришган ва бундан кейин бу жараён янада тезлашиб боради. Шу маънода, ёшларимиз қанчалик илм-фан сирларини пухта ўрганса, билимли, истеъдодли ва энг муҳими, ватанпарвар бўлса, ишончим комилки, юртимиз шунчалик равнақ топади. Бугунги ёшларимиз нафақат юртимизда, балки хорижнинг етакчи, нуфузли олий ўқув юртларида ўқиш, билимини мустаҳкамлаш, тажриба орттириш имкониятига эга эканликларининг ўзи катта муваффақият.

Ёшларимиз доимо ўз кучига, имкониятларига ишониб, қобилиятларини рўёбга чиқаришлари, ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришишлари учун бор билим ва истеъдодларини сарфлаши керак. Шу боис, уларга берилаётган имконият ва вақтдан унумли фойдаланишларини тавсия этган бўлардим.

**— Тан олиш керак, малакали кадрлар масаласида кўплаб соҳа ва тизимлар катта қийинчиликларга дуч келяпти. Комбинатда бу масала қандай ҳал этилмоқда?**

— Тўғри, айниқса малакали кадрларга эҳтиёж долзарб масала бўлиб келган. Ҳар қандай амалга ошириладиган ислоҳотларда малакали мутахассисларнинг ўрни жуда катта. Негаки, бугунги кунда илм-фан ютуқлари ва янги технологияларсиз ҳеч бир соҳа ривожланмайди. Кейинги йилларда бу борада кўп ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2022 йилда Президентимиз фармони билан кон-металлургия соҳаси учун юқори малакали, чуқур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган муҳандис кадрлар тайёрлаш мақсадида Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети ташкил этилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан биринчи навбатда, олийгоҳ учун замонавий ўқув биноси барпо этилди. Лабораториялар энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Комбинат ва вилоятдаги бошқа йирик ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда мазкур олий ўқув юрти ўртасида мустаҳкам илмий ва амалий ишлар, докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилганларни моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш тизими йўлга қўйилди. Айни пайтда университетда 32 нафар фан доктори, 108 нафар фан номзоди фаолият олиб бормоқда. Илмий салоҳият 52 фоизни ташкил этади. Бу жуда ижобий кўрсаткич, албатта. Айни чоғда бу борада амалга ошириладиган лойиҳаларни янги босқичга кўтариш учун ҳамкорликда кўп иш қилишимиз зарур.

**— Келгусида комбинат жамоаси олдида қандай вазифлар турибди?**

— Олдимизда турган вазифалар кўлами катта. Маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган режаларни бажариш баробарида, “Пистали” кони негизида барпо этилаётган 6-гидрометаллургия заводини ишга туширамиз. Комбинатда трансформация ишлари жадал давом эттирилади. Бунда, “НКМК” АЖ томонидан халқаро молия бозорига евробонд жойлаштирилиши ва молия бозорида яқин йилларда IPO га чиқиш учун тайёргарлик ишларини олиб боришимиз керак. Ишончим комилки, кўпминг кишилик аҳил жамоамиз, малакали мутахассисларимиз билан ҳамжиҳатликда зиммамиздаги масъулиятли вазифаларни уддалаймиз. Зеро, куч ва имкониятларни ягона мақсад сари йўналтириш барча ютуқларнинг бош омили бўлган ва шундай бўлиб қолади.



**“Янги Ўзбекистон” мухбири Абдурауф ҚОРЖОВОВ суҳбатлашди.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

ЭҲТИРОМ

## Аёллар васфида



Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

*Барча ҳусну тароват*
*танҳо аёллардадир,*
*Назокат ҳам нафосат,*
*ибо аёллардадир.*

*Зеби десам зебона,*
*афсун десам афсона,*
*Бари бирдай ягона,*
*зебо, аёллардадир.*

*Порлоқ шамсу қамарлар,*
*сарв ҳам санавбарлар,*
*Эсгай мушки анбарлар —*
*сабо аёллардадир.*

*Ул зулфи райҳонлари,*
*лаблари хандонлари,*
*Тиғ чекса мижгонлари —*
*жафо аёллардадир.*

*Бардам бўлинг эркаклар,*
*эркаклар, дард чекманглар,*
*Жонин пайванд берганлар —*
*даво аёллардадир.*

*Меҳр истаб бир умр,*
*кўнгилни қилманг кўмир,*
*Дилдан қилсангиз шукур —*
*вафо аёллардадир.*

*Тўмарис момоларим*
*қолдирган шаън номларим,*
*Оламга инъомларим,*
*момо, аёллардадир.*

*Сароймулкхоним десам,*
*Темурхонларга қасам,*
*Бир ўғлингдай ярасам,*
*ризо аёллардадир.*

*Бири биридан авло,*
*қизларингдир бебаҳо,*
*Барчин, Ойбарчин, Барно,*
*Раъно аёллардадир.*

*Аммалару холалар,*
*улғайсинлар болалар,*
*Энг аъло гул-лолалар*
*аъло аёллардадир.*

*Бир уйдаги тарбият*
*етмиш минг элга ибрат,*
*Аввал илму маърифат,*
*зиё аёллардадир.*

*Бу бир абадий туйғу,*
*Берунийни берган у,*
*Қанчалар ақлу фикру*
*зако аёллардадир.*

*Хушқадду хушқоматлар,*
*Сизга бор хушомадлар,*
*Тангридан кароматлар*
*раво, аёллардадир.*

*Жаҳон битта жаҳондир,*
*Ватан — Ўзбекистондир,*
*Яъни қутлуғ макондир,*
*маъно аёллардадир.*

*Элга даъват берган Сиз,*
*меҳру шафқат берган Сиз,*
*Кетмас давлат берган Сиз,*
*Ҳумо аёллардадир.*

*Дуо айланг, онажон,*
*тинч бўлсин рўйи жаҳон,*
*Элу юрт бўлсин омон,*
*дуо аёллардадир.*

# ҲАРАКАТ, ИЗЛАНИШ, ЯНГИЛАНИШ ДАВРИ

**Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш. Ана шу уч жиҳат ҳоким ёрдамчиси фаолиятининг моҳиятига ҳам, амалга оширилаётган ишлари сарҳисобига ҳам асосий мезон. Шу боис, Президентимиз ҳоким ёрдамчиси фаолиятини ташкил этишга доир 2021 йил 3 декабрь куни имзолаган фармон ва қарорда ҳам ушбу масалаларни йўлга қўйишга алоҳида урғу қаратилган.**

**Раънохон ҲОЖИБОЛАЕВА,**
**Фарғона шаҳри "Сурхтепа" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси**



Бу катта ишонч, асосий йўриқлар кундалик фаолиятимизнинг таянчи ва суянчи бўлмоқда. Энг муҳим жиҳати, ушбу йўналишни йўлга қўйишга оид зарур масалалар ҳал қилиб берилди. Энди олдимизда уларни ҳаётда кенг қўллаш, натижадорликка эришиш вазифаси турарди.

Ўтган йил 12 май куни ҳаётимда ёрқин из қолдирган ўта муҳим воқеа юз берди. Президентимизнинг Фарғона вилоятига ташрифи доирасида Учкўприк туманидаги Бобошбек мажмуасида бўлиб ўтган учрашувда иштирок этиб, амалга ошираётган ишларимиз ва режаларимиз ҳақида сўзлаб бердим. Давлатимиз раҳбари уларни қўллаб-қувватлади, имкониятларни ишга солиш бўйича Булоқбоши тажрибасидан кенг фойдаланиш юзасидан тавсиялар берди.

Фаолиятимизни бошлаганимизга бир йилдан ошиб қолди. Табиийки, ҳар биримиз ўтган вақт давомида зиммадаги қандай ишларни бажардигу, яна қандай масала ва муаммоларни ҳал қилишимиз керак, деган саволни ўзимизга бериб келамиз. Амалдаги тамойилга кўра, ҳоким ёрдамчиси тасдиқланган концепция ижроси юзасидан ҳар ойда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари йиғинларида, ҳар чоракда тегишли туман (шаҳар) ҳокимига ҳамда йил якуни бўйича Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларига ҳисобот тақдим этади.

Бизга ҳар қандай юмушни бажариш ёки лойиҳани илгари суришда, аввало, маҳалламиз оқсоқоллари ва фаоллари кўмаги, маслаҳатлари асосида иш тутиш ҳал қилувчи омил бўляпти. Ўтган йил бошида ўтказилган хатловдан кейин фуқаролар йиғинидаги барча ижобий ва салбий жиҳатлар кафтдагидек намоён бўлди. Маҳаллада 748 хонадонда 4 минг 197 киши яшайди. Уларнинг 152 нафари ишсиз, шундан 56 нафари хотин-қизлар ва ёшлар эди. Норасмий секторда фаолият кўрсатаётганлар сони 430 дан ортиқлиги ҳам аниқланди.

Кўпчилик яхши билган нақл бор. Одамларга балиқ бериш эмас, қармоқ бериб балиқ тутишни ўргатиш лозим. Чунки ишсиз аёлларга тикув машинаси олиб бериш билан муаммо ҳал бўлмайди. Биринчи навбатда, унинг тикувчиликка уқуви бор-йўқлигини аниқлаш, хоҳишига қараб, шу касбга ўргатиш керак. Ишсизликни қисқартиришга биз ҳам шу нуқтаи назардан ёндашдик. Маҳалла фуқаролар йиғини биносидаги бўш турган хонани сектор вакиллари ёрдамида таъмирдан чиқариб, тикувчилик цехига айлантирдик.

Аввалига бу ерда ижтимоий дафтарларда турган 30 нафар хотин-қиз танлаб олиниб, касбга ўргатилди ва доимий иш билан таъминланди. Кейин цехни кенгайтириб, тикув ишлаб чиқариш кооперациясини ташкил қилдик. Кооперация 170 нафар хотин-қизга касаначилик усулида ярим тайёр маҳсулотларни етказиб беряпти. Улар бу кийим-кечакларни тайёр ҳолатга келтириб, рўзғорларининг бут бўлишига ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Кооперация жорий йилда шундай тартибда ишловчилар сонини 300 нафарга етказишни мақсад қилган.

Бундан ташқари, 8 оилага 4 тадан 6 тагача тикув машинаси олиб бериш эвазига тикув цехлари ташкил этилди. Уларда 45 ишчи ўрни вужудга келди.

"Сурхтепа" маҳалла фуқаролар йиғинининг ўсиш нуқталари сифатида 7 та йўналиш белгилаб олинган. Ана шулардан бири тикувчилик бўлса, иккинчиси асаларичилик ҳисобланади. Фарғона шаҳрида жойлашган маҳаллада қандай қилиб асалари парваришлаш мумкин, деб ўйларсиз. Лекин қаловини топсанг қор ҳам ёнади, деган гап бежиз айтилмаган. Биз тузган "Аричи" ишлаб чиқариш кооперацияси ушбу соҳанинг дояси ҳисобланган "она" ари етиштириш билан шуғулланади. Бунинг учун банкдан 100 миллион сўм кредит олдик. Шу соҳанинг малакали мутахассисларини жалб этдик. Ҳозир бу юмуш билан маҳалламизнинг 30 га яқин ёши банд. Маҳсулот наинки вилоятдаги асаларичиларга, балки қўшни ҳудудларга ҳам етказиб берилмоқда.

Яна бир йўналиш — косибчилик. Бу касбга ихлоси ва уқуви бор 4 хонадонда оилавий корхона ташкил қилиб, 12 иш ўрни яратилди. Чорвачилик бўйича 4 хонадоннинг бандлиги таъминланган бўлса, ҳунармандлик йўналишида 8 иш ўрни яратилди. Шунингдек, имтиёзли кредит эвазига 2 та мактабгача таълим ташкилоти, нонвойхона, ошхона, сартарошхона, сут маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат дўконлари ташкил этилди. Бунинг натижасида 28 та иш ўрни яратишга эришилди.

Айни пайтда 2023 йил учун 5 та катта янги лойиҳа устида иш олиб боряпмиз. Маҳалламизда жойлашган Эски Фарғона кўчасидаги собиқ вилоят болалар ногиронлар реабилитацияси маркази ўрнига 1,5 гектар майдонда давлат-хусусий шерикчилик асосида 200 ўринли сиҳатгоҳ ва 100 ўринли меҳмонхона қуришни режалаштиряпмиз. Улар ишга тушгач, 250 та янги иш ўрни очилади.

Ҳудудимизда 2 минг 408 метр чуқурликда шифобахш сув борлиги аниқланган. Шу жойда давлат-хусусий шерикчилик асосида сувни қадоқлаш корхонаси қуриш орқали 25 та, 150 ўринли мактабгача таълим ташкилоти қуриш ҳисобига эса 40 та иш ўрни яратилади.

Халқаро хотин-қизлар куни арафасида ҳаётимда яна бир қувончли воқеа юз берди. Президентимиз фармонига кўра, байрам муносабати билан ўз соҳасида ибратли натижаларга эришган, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиб келаётган аёлларимиздан катта бир гуруҳи давлатимизнинг юксак орден ва медалларига сазовор бўлди. Улар орасида мен ҳам борлигимдан, камтарин меҳнатим "Шуҳрат" медалига лойиқ кўрилиб, ушбу мукофотни куни кеча Халқаро конгресс марказида бўлиб ўтган тантанали маросимда давлатимиз раҳбарининг ўзлари топширганидан беҳад шод бўлдим.

Бугун — ҳаракат, изланиш, янгиланиш даври. Ана шундай яшаш ва ишлаш доимий равишда ўз малака-савиямизни ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини яхшилашга қаратилган вазифаларни бажариш, янгидан-янги лойиҳаларни жорий этишда ташаббускор бўлишни тақозо этади. Бунда давлатимиз раҳбарининг ишончи ва рағбати бизга таянч бўлади, навбатдаги марраларни эгаллашга руҳ ва қанот бахш этади.

# УСТОЗУ ШОГИРДЛАР

## ТАДБИРКОРЛИК ТАРМОҚЛАРИДА ҲАМ МУВАФФАҚИЯТЛИ ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА

**Мамлакатимиз аҳолисининг 17 миллиондан ортиғини хотин-қизлар ташкил этади. Агар аввалги йиллар билан солиштирадиган бўлсак, ҳозир аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги жадал ўсиб бораётгани кузатилади. Улар мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларида фаолият олиб боряпти. Табиийки, ишбилармон аёллар сони ҳам кўпайган. Ҳатто, оғир саноат, қурилиш материаллари ва бошқа мураккаб ишлаб чиқаришларда ҳам хотин-қизларни кўришимиз мумкин.**



**Гулнора МАҲМУДОВА,**
**"Тадбиркор аёл" халқаро ишбилармон аёллар ассоциацияси раиси**

Тошкент вилояти Бўка туманида яшовчи Моҳира Жалолова ўз кучи ва давлат томонидан берилаётган ёрдамларга таяниб, 2020 йилда кичик корхона ташкил қилди. "Баҳодир Жалолович томорқа хизмати" МЧЖ қишлоқ жойлардаги аҳоли хонадонларида иссиқхоналар қуриб, қурғоқчил жойларга насос орқали ердан сув чиқариб беради. Тадбиркор асосан, кам таъминланган, ишсиз оилаларга хизмат кўрсатади. Бу хизматлардан фойдаланишлари учун аҳолига имтиёзли кредитлар ажратилаётгани айни муддао бўлмоқда.

Моҳира болаликдан бу соҳани яхши тушунарди. Оиласида асосий даромад сабзавот етиштириш, фермада наслли қорамол боқишдан бўлган. Ҳар ҳолда бу йўналишда одамларга нима кераклигию, қанча харажат қилиб, қанча даромад топиш мумкинлигини билади. Аёл боши билан 10 та доимий, 50 та мавсумий иш ўрни ҳам яратган. Шу кунгача вилоятнинг бир қанча туманларида оилаларга иссиқхона қурган бўлса, Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида аҳолига томорқасини суғориш учун артезиан қудуқлар қазиб берган. Фаолияти йил сайин кенгайиб, даромади ошиб боряпти.

Ҳозир ҳар бир ҳудудда ана шундай тадбиркор хотин-қизларни учратиш мумкин. Уларнинг кўпи иш бошлашдан олдин бепул ўқув курсларида таҳсил олиб, ажратиладиган имтиёзли кредитлар асосида иш бошлаяпти. Аслида, юртимиз аёллари азалдан ҳар ишда қўлигул. Аммо яқин йилларгача бу ишларга тадбиркорлик сифатида қаралмаган, даромад топиш истагидаги хотин-қизлар ҳам уйида кичик цехлар ташкил этиб, маҳалла ичидагина иш олиб борган. Сўнгги йилларда улар маҳалла, туман, республика миқёсига чиқиб, ҳатто, маҳсулотларини хориж бозорларига экспорт қиляпти. Мана буни имкониятлар маҳсули, деса бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимиз тадбиркорлик субъектларининг 28 фоизини хотин-қизлар бошқармоқда. Бундан олти йил олдинги ҳолат билан солиштирганда, бу анча юқори кўрсаткич. Аммо замонавий қарашлар фаол шаклланаётган ҳозирги даврда бу ҳали етарли марра эмас ва натижаларни ошириш учун кўпроқ ишлашимиз лозим. Яъни "Тадбиркор аёл" халқаро ишбилармон аёллар ассоциацияси ва бошқа шу каби ташкилотлар, давлат тузилмалари олдида ишбилармон хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир лойиҳаларни янада кўпроқ амалга ошириш вазифаси турибди.

Бугунги кунда Ассоциация 70 га яқин ҳудудий бўлимлари орқали 18 мингга яқин аъзони бирлаштирган. Юртимиз бўйлаб 200 дан ортиқ малакали тренерлар жамоатчилик асосида фаолият юритади. Ўтган давр мобайнида халқаро ва маҳаллий ҳамкорлар билан хотин-қизларнинг иқтисодий билимини оширувчи, таълим дастурларига йўналтирилган 100 дан ортиқ лойиҳани амалга оширдик. Улар орқали 60 мингдан ортиқ хотин-қиз тадбиркорлик кўникмаларини эгаллаб, 80 фоизи иш билан таъминланди. Ҳозир уларнинг аксарияти қайсидир йўналишда ўз бизнесини юритиб келмоқда.

Таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, аслида, аёллар табиатан яхшигина тадбиркор бўлади. Буни оила бюджетини тўғри тақсимлаши, тежаб ишлатиши, шахсий ишларини доим аниқ режалаштира олиши кабиларда кўришимиз мумкин. Аммо тадбиркорликни айнан фаолият тури сифатида, профессионал бошлашига келсак, кўпинча, унга ўтиш даври қийин кечади. Бу, биринчи навбатда, психологик тўсиқларни енгиб ўтиш билан боғлиқ. Яъни кўп хотин-қизлар, айниқса, оилали аёллар бизнес бошлашдан олдин "иқтисодий билимим кам, мен уддалай олармиканман", деган ҳавотир, ишончсизликка дуч келади. Бу ҳадикларни, афсуски, ҳамма ҳам енгиб ўтолмайди. Ассоциация мана шу қийинчиликлар босқичидан ўтишида аёллар билан ишлайди. Бу борада турли халқаро методлар, қўлланмалардан фойдаланамиз ва тренерлар ҳар бир аёлнинг иш бошлашдаги масалаларини ўрганиб, шу асосида йўналиш белгилаймиз.

### Халқаро тажриба доим зарур

Хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, ҳудудларда бизнес муҳитини яратиш ҳамкорликдаги лойиҳаларга таянади. Бу борада давлат ташкилотлари билан амалга оширилаётган лойиҳалар, айниқса, салмоқли. Хусусан, ўтган йили Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигидан 5000 нафар аёлни бизнес асосларига ўқитиш бўйича ижтимоий буюртма олдик. Лойиҳа юртимизнинг барча ҳудудларида фаол давом этяпти.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан ҳамкорликдаги Ўзбекистонни Аёллар тадбиркорлиги халқаро глобал индексига қўшиш, хотин-қизларни тадбиркорликка масофавий ўқитиш бўйича ягона онлайн платформа яратиш лойиҳаси ҳам соҳани рақамлаштириш йўлидаги катта қадамлардан бири бўлмоқда.

Жараёнда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳам муҳим ўрин тутади. Чунки жаҳонда хотин-қизлар тадбиркорлиги, замонавий технологияларни қўллаш ва инновацияларни жалб қилиш бўйича кўплаб тажрибалар мавжуд. Биз уларни ўрганиш баробарида, маҳаллий тадбиркор аёллар фаолиятида татбиқ этишимиз зарур. Бу борада бизни хорижлик мутахассислар фаол қўллаб-қувватляпти. Жумладан, БМТ, БМТТД, USAID, ЕТТБ, ИТБ ва қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлигидаги қўшма лойиҳаларимиз сони ошиб боряпти.

Ҳозирги кунда қайси соҳа бўлмасин, илғор технологияларни қўлламасдан туриб, юқори натижаларга эришиш қийин. Айниқса, қишлоқ хўжалигида мўл ҳосил етиштириш замонавий техникаларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Хотин-қизлар тадбиркорлигида янги технологияларни қўллаш кўрсаткичи нисбатан паст ва уни ошириш бўйича ишлар олиб бориляпти. Наманганлик Гулсора Жўраева буни ўз фаолиятида қўллаб, яхши натижаларга эриша бошлади. Фермер хўжалиги раҳбари яқинда Туркия давлатидан тўртта вазифани бир вақтда бажарадиган қурилма сотиб олди. Агрегат катта ер майдонларини экин экишга тайёрлаш, кесакни майдалаш, орқасидан моласини босиб кетиш ҳамда ернинг намлигини сақлаш каби вазифаларни бажаради. Тасаввур қилинг, шу биргина қурилма тўртта техника бажарадиган ишни уддалаб, ерни тез ва сифатли тайёрлаб беради.

Ўтган йили декабрь ойида Ассоциациямизга халқаро мақом берилди. Сентябрь ойида эса Канаданинг Маҳаллий ташаббуслар фонди ташкилоти билан ҳамкорликда бошланган "Таълим семинарлари ва устоз-мураббийлар кўмагида хотин-қизлар ва ёлғиз оналар тадбиркорлигини ривожлантириш орқали уларнинг меҳнат бозоридаги иштирокларини мустаҳкамлаш" лойиҳасини бошлаган эдик. Уни амалга ошириш учун аҳолиси зич бўлган водий вилоятлари танланди. Дастлабки босқичда тадбиркорлик қилиш ниятидаги хотин-қизлар тадбиркорлик асосларига бепул ўқитилди. Айни пайтда лойиҳанинг 2-босқичи ўтказилмоқда ва унда бенефециарларга маҳаллий мураббийлар раҳбарлигида бошламоқчи бўлган бизнесларини режалаштириш ўргатиляпти.

Умуман, бугунги кунда давлатимиз олдида турган вазифа хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитишдангина иборат эмас. Чунки 3 кунлик, 5 кунлик, борингки, бир ойлик семинарларда таҳсил олиш билан бизнесни бошлаш қийин. Иш аввалида хотин-қизларда кўплаб саволлар, муаммолар бўлиши турган гап. Ана шундай ҳолларда амалий билимлар қўл келади. Биз аёлларни ўқитиш билан бирга, фаолиятида доимий равишда ҳуқуқий, молиявий ва барча йўналишларда маслаҳатлар бериб борамиз.

Шу асосда ҳозирги вақтда ментор-мураббийларнинг ҳудудий маълумотлар базаси ишлаб чиқилиб, ишга туширилди. Қолаверса, "устоз-шогирд" таълим тармоғи муваффақиятли фаолият юритмоқда. Келгусида маҳаллий ва халқаро лойиҳалар орқали тадбиркор аёллар сафини кенгайтириш, шу соҳада етакчи хотин-қизларнинг касбий савиясини юксалтириш, аёллар учун бўш иш ўринлари тўғрисидаги электрон маълумотлар базаси, шунингдек, "Тадбиркор аёл" уюшмаси тренерларининг электрон реестрини яратишни режалаштирганмиз.



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ

**Оила таянчи, жамият устуни бўлган оналаримиз, аёлларимиз ҳаётдан рози бўлса, бутун халқимиз ҳаётдан рози бўлади. Халқ рози бўлса, Яратганимиз ҳам биздан рози бўлади.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# БАХТ БАРМОҚ ИЗИДЕК ТУРФА ЙЎЛЛАРДА

**БМТ Бош Ассамблеяси 2011 йили Ташкилотга аъзо мамлакатларнинг бахтлилик даражасини аниқлаш мақсадида резолюция қабул қилган эди. 2012 йил 2 апрелда эса БМТнинг "Бахт ва фаровонлик: янги иқтисодий парадигмани белгилаш" мавзусидаги биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Шу йилдан бошлаб БМТ барқарор ривожланиш ечимлари тармоғи томонидан Жаҳон бахти индекси яратилиб, у ҳар йили эълон қилиб борилиши йўлга қўйилди. Бунда 146 давлатнинг ялпи ички маҳсулоти, умр кўриш давомийлиги ва ҳаёт сифатининг бошқа кўрсаткичлари каби омилларга қараб бахтлилик даражалари аниқланади. Масалан, Финляндия кетма-кет олти маротаба, яъни 2023 йил ҳам жаҳоннинг энг бахтли мамлакати, деб эълон қилинди. Кейинги ўринларни эса Дания ва Исландия эгаллаган.**



**Мунира ҚАҲҲОРОВА,**
**Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти директори ўринбосари**

Бу рейтингда Ўзбекистон 2021 йилда 53-ўринда қайд этилган бўлса, 2023 йил 13 февралда аниқланган рейтинг бўйича 41-ўринга кўтарилди. Мазкур рейтингни аниқлашда юқоридаги кўрсаткичлардан ташқари, фуқароларнинг адолатсизлик қурбони бўлиши, коррупция ҳақидаги тасаввурлари, саховатлилиги, ҳаётий қарорлар қабул қилиш эркинлиги, соғлом турмуш тарзи яратилгани, ижтимоий қўллаб-қувватланиши, яъни мамлакат аҳолисининг бир-бирига қанчалик кўп ёрдам кўрсатаётгани, қашшоқлик даражалари эътиборга олинади.

Бу дунё давлатлари томонидан бахт нималигини аниқлаш мумкин бўлган кўрсаткичлардир. Аммо бизнинг халқимизда бахт ҳисси ўзгача бўлиб, унга ҳар кимнинг ўз таърифи бор. Айтайлик, ким учундир молу давлат, бошқа бирига фарзанд кўриш, яна бошқа бири кўнгил хотиржамлигини толе, бахт санайди.

Очликдан азоб чекаётган киши бир бурда нон топилган онни, ҳаловатини йўқотган эса тинчликни ҳеч бир неъматга алишмаслиги аён. Ота-она фарзандлари камолидан бахтиёр, мусофир юрти, яқинлари дийдоридан масрур. Бахт ҳар бир одамнинг атрофида — уни ўраб туради. Хуллас, бахт инсоннинг ички кечинмасида яшайди. Уни йироқдан излаганлар доим адашган — бахтидан узоқлашганини кеч англаган.

Аёл бахти нимада ёки бахтини қандай тасаввур этади? Унинг бахтли бўлиши ташқи муҳитга боғлиқми? Қачон ўзини бахтли ҳис қилади?

Аксарият аёллар бахтни фарзанди камолида, турмуш ўртоғи билан аҳил яшашда, ўзига эътибор ва меҳр берилишида, деб билади.

Юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Улардан бири — "Аёл бахти". Мазкур лойиҳа доирасида аёлларнинг бахти нимада акс этиши мумкинлиги ўрганилди. Шу асосда "Аёл бахти" рукни остида кўрсатув тайёрлаш учун сценарий лойиҳаси тайёрланмоқда. Ушбу лойиҳа бўйича Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтида ишчи гуруҳи йиғилиши ўтказилди. Унга кўра, кўрсатувни номлаш, қаҳрамонларни танлаш, ёритишда фойдаланиш услублари келишилди. Ҳар бир масъул ташкилот вакиллари томонидан таклифлар эшитилди. Шунингдек, кўрсатув тайёр бўлгач, уни оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда намойиш этиш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Умуман, бахт — инсоний ҳаёт тарзи. Шундан ҳам айтиш мумкинки, бу ёруғ оламда инсон бўлиб туғилишнинг, одам бўлиб яшашнинг ўзи — бахт!

Бахтни қўл билан ушлаб, кўз билан кўриб бўлмайди. Унинг ранги, ифори йўқ. Бахт — амаллар, ҳолатлар мажмуики, фақат ҳис этилади. Юракдан. Ақл кўзи билан. Шукр билан...

Демак, инсонлар тасаввуридаги бахт шакл-шамойили кўп, аммо аксарияти вақтинчалик аҳамият касб этиб, бир зумда ундан ажралиб қолиш хавфи бор. Масалан, молу дунёнинг охири бор — ундан бир зумда айрилиб қолиш мумкин. Фарзанди туғилганида қувониб, уни йўқотганидан куйганлар камми? Йиллар орзу қилиб етишган ёридан бир ой ўтмай айрилганлар-чи? Аммо инсонийлик бахти мустаҳкам. Унга шукроналик эса инсоний бурчдир. Кўриниб турганидек, бахт ўзини асраб-авайлашни, керак бўлса, бурч ва садоқатни талаб қилади. Акс ҳолда, инсон ўз қиёфасини йўқотади. Одам боласига хос бўлмаган хатти-ҳаракатларни қила бошлайди. Аслида, улардан сақланишнинг ўзи ҳам бахтдир.

Бу ўринда вақт, яъни аниқ ўлчаб берилган умрни мазмунли ўтказиш алоҳида эътиборга молик ҳисобланади. Манбаларда бу дунё узоқ сафарга чиққан карвон бир зумга тўхтаб ўтадиган манзил экани, шу сабаб уни мазмун, маънога тўлдиришга даъват қилинади. Қандай яшаш — ҳар кимнинг иши. Бу — танлов дунё. Мана шу танловлар бахт формулаларини ҳосил қилади ва улар ранго-ранг, бетакрор. Худди бармоқ изидек. Ҳар кимнинг ўз бахти ва табиийки, ўз бахтсизлиги бор.

Ҳар не бўлганда ҳам, очлик кўргулигидан тўқлик, камбағаллик қисматидан бойлик, жоҳиллик синовидан олимлик, танҳолик азобидан жуфтлик, беморлик оғриғидан соғлиқ афзал. Мана шу бахтга интилиш ҳам бурч. Зеро, шундагина жамиятга, халқига манфаат келтириш мумкин.

Яна бир гап. Ўзини бахтиёр санагувчи инсон уни ҳис қилиши, ғанимат билиши, сақлаб қолишга интилиши зарур. Шунда у қўлдан чиқиб, бахтсизликка айланмайди.

Ёзма манбалардан маълумки, олий инсоний бахт, бу — икки дунё саодати. Мудом унга интиламиз, орзу қиламиз. Шундай экан, амалимиз уларга мувофиқ эзгуликка дахлдор бўлсин.

# Рўёбга чиқаётган орзулар

**Коммунахон МИРСАИДОВА,**
**Бувайда тумани ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи**



**Президентимизнинг аёлларга қарата "Нафосат олами вакиллари..." дея мурожаат қилиши хотин-қизларга ҳурмат ва эътиборнинг амалий кўрниши, десам муболаға бўлмайди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан хотин-қизлар муаммоларини тизимли ўрганиш ва ечимини топиш мақсадида "Аёллар дафтари" йўлга қўйилиши нафосат вакилалари учун катта имконият бўлди.**

"Аёллар дафтари"га киритилган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, нотурар жойларда истиқомат қилаётган, қарамоғида бир ва ундан ортиқ ногиронлиги бўлган фарзанди бор ёлғиз аёллар, шунингдек, тиббий ҳимоя, ҳуқуқий ёрдам ва психологик маслаҳатга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизларга жойида амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Кейинги йилларда уйда ўтирган, қўлида касб-кори бўлмаган, асосан, фарзанд тарбияси, уй юмушлари билан машғул бўлган аёлларнинг фаоллиги орта бошлади. Уларнинг барчаси яратилган имкониятлар самараси туфайли ижтимоий ҳимояланмоқда, бандлиги таъминланиб, оиласига, жамиятга фойда келтиришга интиляпти. Ўз навбатида, маҳалла фаоллари, тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлар мутахассислари ҳам хотин-қизларга яқиндан кўмак беришга ҳаракат қиляпти.

Ўтган йили туманимизда ижтимоий кўмакка муҳтож 4729 нафар хотин-қиз "Аёллар дафтари"га киритилиб, уларга 3 миллиард 700 миллион сўмликдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. 20 нафар бемор аёлнинг жарроҳлик амалиёти учун 198 миллион сўм маблағ ўтказиб берилди.



"Пишағар" МФЙда яшовчи Феруза Зайлобиддинова ҳам "Аёллар дафтари"га киритилган. У тикувчиликка қизиқади. Мақсади — уйида тикувчилик цехи очиб, оиласи даромадини ошириш, қўни-қўшниларни иш билан таъминлаш. Банкдан 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, тикувчилик фаолиятини йўлга қўйди. Бугунги кунда моҳир тикувчи Ферузахон эришаётган муваффақиятларга кўпларнинг ҳаваси келади. Тадбиркорликни йўлга қўйиш орқали "Аёллар дафтари"га киритилган 5 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади.

"Турк" МФЙнинг Гулобод қишлоғида яшовчи 40 ёшли Адиба Исроилова "Аёллар дафтари"нинг 3-босқич 4-тоифасига киритилган. У узоқ йиллардан буён бетоб. Ушбу фуқарога жамғарма ҳисобидан буйрак кўчириб ўтказиш учун 25 миллион 200 минг сўм миқдорида пул ажратилди. Жарроҳлик амалиёти муваффақиятли якунланиб, аёл вояга етмаган уч нафар фарзанди бағрига қайтди.

Рўзихон Мелибоева ёлғиз она. Фарзанди Тошкент давлат транспорт университетида контракт асосида таҳсил олади. Рўзихон ўз мурожаатида фарзандининг контракт пулини тўлашда қийналаётганини баён этди. Унинг фарзанди учун "Аёллар дафтари" жамғармасидан тўрт миллион бир юз тўққиз минг сўм контракт пули тўлаб берилди.

Муҳаррама Азимова ҳам "Аёллар дафтари"нинг 3-босқич 4-тоифасига киритилган. Унинг чап оёқ протези учун "Аёллар дафтари" жамғармаси ҳисобидан 27 миллион 200 минг сўм ажратилди. Шунингдек, субсидия асосида тикув машинаси ҳам берилди. Бу имкониятдан оқилона фойдаланаётган аёл уй шароитида кўрпа-тўшак тикиш йўналишида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

Хотин-қизлар ҳаётидаги мавжуд муаммоларни тизимли равишда ҳал этиш ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар билан чекланиб қолинаётгани йўқ. Хусусан, уларнинг эҳтиёж ва қизиқишларини ўрганиш, тизимли таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда ҳам тадбиркорлик, фермерлик, деҳқончилик, касаначилик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш, саломатлигини муҳофазалаш, тадбиркорликни ривожлантириш, шароитини яхшилаш мақсадида 6 715 аёлни "Аёллар дафтари"га киритиш жараёни олиб борилмоқда.

Сирасини айтганда, аёлларни ижтимоий муҳофазалаш ва бандлигини таъминлаш орқали турмуш фаровонлигини ошириш йўлидаги ҳаётбахш ислоҳотлар юрт аёллари орзуларини рўёбга чиқариш, оилалар тинч-тотувлигини таъминлашда ўз самарасини бермоқда.

**Бугунги кунда ахборот технологияларини ривожлантириш, барча соҳаларни рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Ушбу жараёнда аёл-қизларнинг фаоллигини ошириш ҳам кун тартибидаги масалалардан. Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан йўлга қўйилган лойиҳалар опа-сингилларимизни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига жалб қилиш, компьютер графикаси ва дизайнерлик фаолияти бўйича ўқитиш, уларнинг мобиль илова, веб-сайт, дастурий маҳсулотларни яратиши ҳамда дастурчи сифатида шаклланишига кўмаклашишга қаратилган.**

# IT ХАБ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ САМАРАЛИ ВОСИТАСИ



**Камола СОБИРОВА,**
**рақамли технологиялар вазирининг маслаҳатчиси**

Шундай лойиҳалардан бири — ITWomenUz хотин-қизлар учун самарали дастур бўлди. Лойиҳа доирасида кам таъминланган оилалардаги 12 ёшдан 35 ёшгача хотин-қизлар учун компьютер саводхонлиги ва тадбиркорлик йўналиши бўйича ўқув курслари ташкил этилди. Саккиз ойга мўлжалланган машғулотларда улар инглиз тили, компьютер саводхонлиги, дастурлаш, лойиҳаларни бошқариш, робототехника, фриланс, график дизайн, "Бир миллион дастурчи" йўналишларида ўқиди. Ҳозирга қадар "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" ҳамда "Темир дафтар"га киритилган 2 минг 328 нафар хотин-қиз соҳа бўйича ўқитилгани эътиборга молик ишлардан бўлди.

АҚШ халқаро ривожлантириш агентлиги (USAID) билан ҳамкорликда 2020 йил август ойидан буён Tumaris.Tech лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда. У уч қисмдан иборат бўлиб, хотин-қизларни АКТ соҳасига кенг жалб қилишга қаратилган. Яъни BPO (Business Process Outsourcing) йўналишида фрилансер бўлиб ишлашдан стартапларни ишлаб чиқишгача бўлган таълимни қамраб олган.

Ўрганишимизча, қизларнинг IT соҳаси билан машғуллигини кўпгина ота-оналар маъқуллайвермайди. Бунинг сабаби шуки, жамоатчиликда рақамлаштириш билан боғлиқ тушунча кам. Шу боис, бу йўналишда имкониятлар кўплиги, муваффақиятга эришиш йўллари ва етакчи, намунали аёллар ҳақида маълумот бериб боряпмиз.

Мамлакатимиз бўйича ногиронлиги бор 200 дан зиёд аёл-қиз учун IT ва фриланс асослари бўйича ўқув курслари ташкил этилди. Шундай лойиҳалардан бири яқинда кўзи ожизлар учун ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда ўтказилди. Кўзи ожизлар қандай қилиб компьютерда ишлайди, деган ҳақли савол туғилади. Бу табиий. Улар учун махсус жиҳозланган, овозли буйруқ орқали ишлайдиган компьютерлар бор. Бундай компьютер ёрдамида лойиҳани муваффақиятли ташкил этдик. Қувонарлиси, якуний учрашувда кўзи ожиз қизларимиз лойиҳани яна ҳам кенгайтириш ёки муддатини чўздириш ташаббуси билан чиқди.

Ўзбекистон бўйича 205 та IT маркази фаолияти йўлга қўйилган. Уларда имконияти чекланганлар ва кам таъминланган оилалар фарзандларига шароит яратилган. Бундан ташқари, YouTube платформаларида онлайн курслар ташкил қилганмиз. IT паркнинг веб-сайти орқали улар ўзи хоҳлаган йўналишдаги ўқув курсларидан фойдаланса бўлади.

Нафақат курслар, тадбирларга жалб этиш, балки уларнинг кейинги ҳаётини мониторинг қилиш ҳам вазифамиздир. Курсларни тамомлади, ҳам дейлик. Кейинчалик уларни йўналтириш керак. Қизларимиз ўзидаги бор билим ва кўникмани қаерга сарфлашни ёки билимлари орқали қандай қилиб даромад топишни билмайди. Бизнинг вазифамиз — уларга йўналиш бериш. Имконияти чекланган кўп қизлар фотошоп ва график дизайн йўналиши бўйича таҳсил олишди ва айни пайтда аксарияти онлайн буюртмалар қабул қилиб, фаолият юритяпти.

Олдинда қиладиган ишларимиз кўп. Шу йилнинг 22 февраль куни Президентимиз раислигида соҳа ва ҳудудларда рақамлаштириш жараёнини жадаллаштириш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида зиммамизга катта вазифалар юкланди. Жумладан, ёшларни ахборот технологияларига ўқитиш, ишлашига шароит ва маҳсулоти учун бозор яратиш зарурлиги таъкидланди. Бу борада 1 апрелдан "Электрон ҳукумат", "Бизнес учун дастур", таълим йўналишлари бўйича мукофот жамғармаси 1 миллион доллар бўлган республика танлови бошланиши эълон қилинди. Шунингдек, ҳудудларда ёшлар яратган 50 та энг яхши дастур Рақамлаштириш жамғармалари ҳисобидан сотиб олинади.




МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ

Икки йилда лойиҳа муваффақиятли ривожланди. Айни пайтда унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон вакиллари иштирок этмоқда. Бу минтақанинг IT экотизими интеграциялашувига, янада барқарор бўлишига ҳисса қўшади. Ўз навбатида, лойиҳа ҳам қизғин тус олди. Чунки Марказий Осиёда биринчи хакатон, тренерлар мактаби, 50 га яқин стартапни ўз ичига олган инкубатор ва акселератор ишга туширилди.

Халқаро электр алоқа иттифоқи ташаббуси билан "Жаҳон ахборот жамияти саммити — 2022" доирасида ўтказилган беш босқичли "WSIS Prizes 2022" халқаро танловида Ўзбекистоннинг "Development of women's entrepreneurship and IT skills Tumaris.Tech" лойиҳаси ғолиб бўлди.

Ўтган йили вазирлик ташаббуси билан Ўзбекистоннинг турли ҳудудидан келган 60 дан ортиқ тадбиркор аёлга электрон тижорат бўйича маҳорат дарслари, тренинглар ўтказилди. Тренинг давомида ҳар бир иштирокчи индивидуал маслаҳат олди. Тренинглар туфайли тадбиркор аёллар ETSY, Amazon, Ebay электрон тижорат платформалари орқали дунё бўйлаб янги ҳамкорлар топди.

Бундан ташқари, вазирлик томонидан хотин-қизлар учун "GAP" – IT соҳада аёллар клуби лойиҳаси ишга туширилган. Мазкур клубда аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг IT соҳасидаги саводхонлигини ошириш, дастурлаш, компьютер технологиялари ҳамда IT соҳасидаги бошқа курслар орқали хотин-қизларни ўқитиш ва ишга жойлаштириш имконияти яратилади. Шунингдек, IT касбларини ёш қизлар учун очиқ ва қизиқарли қилиш мақсадида иштирокчилар ўзаро тажриба алмашади, ўз соҳасида муваффақиятга эришган профессионал менторлар билим ва кўникмасини ўргатади.

Хотин-қизларни бу соҳага жалб қилишда қийинчиликларга дуч келаётганимизни ҳам инкор эта олмаймиз. Бу қизларимизнинг табиатидаги мавжуд қолиплар — стереотиплар билан боғлиқ.

Сўнгги икки йилда юртимизда 215 та IT-таълим маркази очилган. Бундай муассасаларни ва уларнинг битирувчиларини қўллаб-қувватлаш учун молиявий имтиёзлар берилади. Жумладан, экспортчи компанияларга ишга жойлашган ҳар бир мутахассис учун 25 миллион сўмгача, имконияти чекланган ёшларга эса 35 миллион сўмгача субсидия ажратилади. IT бўйича сертификати бор ёшларга компьютер хариди учун имтиёзли кредит уларнинг шахсий пластик картасига ўтказиб берилади.

Бу имкониятлардан, албатта, қизларимиз ҳам фойдаланишади. Олдимиздаги вазифа ҳам шу. Ўзбекистонда қизларни рақамли технологиялар соҳасига янада кенгроқ жалб этиш ва уларнинг IT кўникмаларини ривожлантириш бўйича лойиҳалар кўзда тутилмоқда. Соҳада билими кучли қизлар учун менторлик дастури, маълум билим ва кўникмаларга эга қизлар учун IT оромгоҳ, IT соҳасига энди кириб келаётган қизлар учун онлайн дарслар ташкил этилиши режалаштирилган.

"Бир миллион дастурчи" лойиҳасининг иккинчи босқичи доирасида "Coursera" платформасига қизларни жалб этиш ва ўқитиш, оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, олий суд, Адлия вазирлиги ҳамкорлигида амалдаги қонунчилик ҳужжатларини хатловдан ўтказиш ҳамда ваколатли органларнинг вазифа ва функцияларини қайта кўриб чиқишни назарда тутувчи ягона норматив ҳужжатни ишлаб чиқиш ҳам галдаги ишларимиздан. Энг катта вазифамиз Ўзбекистонни келажакда IT хабга айлантириш. Бунга аёлларимизнинг кучи ҳам, салоҳияти ҳам етади.

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

# ХОРИЖДА ЎҚИГАН ЎЗБЕК ЖАДИД АЁЛЛАРИНИНГ "АЙБИ" НИМА ЭДИ?



Бошланиши 1-бетда

— Аждодларимиз оналарга миллат эгаси сифатида қарашган. Ахир буюк инсонларни илм-маърифати юксак оналар етиштиради. Миллатимизда катта олима, шоира ва фақиҳа аёллар кўп бўлган. Жадид аёллар мавзуси эса алоҳида тадқиқотларни талаб қилади. Энг аввало, жадид боболаримиз ўша замон кишилари онгида хотин-қизларга бўлган алоҳида ҳурмат ва эҳтиром туйғусини уйғота билган. Улар миллат фарзандларини "қўли тўқмоқ, боши паҳмоқ" эзилган аёллар тарбиялашини истамаган. "Биз қизларимизга ўғил болалардан кам эътибор қаратмаслигимиз керак"лигини қайта-қайта таъкидлашган.

Шоҳи Зиндага борсангиз, Амир Темур даври мақбаралари ичида қабрларнинг энг кўпи аёлларга тегишли эканига гувоҳ бўласиз. Айниқса, тарихимизда хотин-қизлар номидаги мадрасалар кўплигини айтмайсизми? Демак, зукко момоларимиз азалдан илм-фанга ҳомийлик қилишни ўзларига фахр деб билган. Ана шундай хотин-қизларимизнинг давомчилари сафидаги Марямхон Султонмуродова ҳам Германияда таҳсил олган. Ундан большевиклар чиндан ҳам ҳайиқишар эди. Чунки у хоразмлик ҳақгўй ва тараққийпарвар инсон Жуманиёз Султонмуродовнинг қизи бўлган. Жуманиёз Султонмуродов Ҳарбий трибунал раҳбари, Хоразм Халқ Республикаси Халқ комиссарлари Кенгаши раиси, Хоразм компартияси котиби лавозимларида ишлаган. Марям Султонмуродова 1919 йилда Тошкентдаги маориф мактаб гимназиясини тамомлагач, олий маълумот олиш мақсадида 1920-1921 йилларда Оренбург татар педагогика институтида ўқийди. 1921 йил ёзги таътилда Хоразмга келгач, Хоразм компартияси Марказий Кенгашида аввал адабий бўлимга, сўнг аёллар бўлимига раҳбарликка тайинланади. Бироқ оғир тарихий шароит ва қийинчиликлар унга кўнглидагидек ишлаш имконини бермайди. Натижада 1922 йил июлда Тошкентга келиб, Ўрта Осиё давлат университетининг ишчи факультетига ҳужжат топширади.

1922 йил октябрида Марям Султонмуродова Бухоро ҳукумати томонидан Германияга ўқиш учун юборилаётган талабалар сафига киритилади. У 1924-1926 йиллар Дармштадт олий семинариясида таълим олади. 1926-1927 йилларда эса Берлин яқинида Потсдам шаҳридаги "Фрауншулле" мактабида амалиёт ўтади.

1927 йил ёзги таътил вақтида Хайринисо Мажидхонова билан бирга 29 июлдан 18 августгача Париж шаҳрида бўлади. Уларнинг Париж опера театри ошхонасида Аҳмад Наим ва Мустафо Чўқайлар билан 2-3 дақиқалик учрашуви кейинчалик қатағон этилиши учун асосий баҳона бўлганди. 1927 йил кузидан Марям Берлин шаҳрининг Веддинг туманидаги профессор Финкельштейннинг олти ойлик ҳамширалик курсини битириб, 1928 йил СССРга қайтган.

Марям Султонмуродова Ватанга келиши билан сўроқ, таъқиблар бошланиб кетди. Аввалига ҳеч жойдан иш беришмади. Фақат 1929 йил февраль ойида Германияда таълим олган Бадри Сайфулмулк ёрдамида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш комиссарлигига қарашли болалик ва оналикни асраш институтига ҳамшира бўлиб ишга киради. Марям 1929 йилнинг охирларида Асқар Аҳмадбеков билан оила қуриб, 1933 йилгача Каттақўрғонда яшаган. Эри қамоққа олингач, 1933 йил Тошкентга қайтиб, Ўрта Осиё давлат университетига ишга кирди. Бироқ 1934 йил яна ишсиз қолди.



Сўнг "Гулистон" журналига, 1936 йилдан аёлларнинг "Ёрқин турмуш" журналига адабий ходим бўлиб ишга кирди. Марям ўзбек матбуотида ўзининг олмон адабиётидан қилган таржималари ва аёлларнинг ўткир ижтимоий муаммоларига бағишланган мақолалари билан элга танила бошлади.

1937 йил 13 сентябрь куни Марям Султонмуродова Германияда ўқиган, "Туркистон" жосуслик ташкилоти аъзоси деб, олти ойлик норасида қизи Анора билан қамоқхона азобларига гирифтор этилган. Жазо муддати тугагач ватанга қайтиб, Урганч тумани, Янгибозор фуқаролар йиғинида ҳамшира бўлиб иш бошлади. Бироқ унинг хурсандчилиги яна узоққа бормади. У 1949 йил 30 мартда қайта қамоққа олинди ва бу гал ҳам эски "жиноятлари" учун узоқ Краснояр ўлкасига сургун қилинди.

Марям Султонмуродова 1957 йил 2 августда СССР Олий Суди ҳарбий коллегияси томонидан оқланди. Бироқ у тўлиқ оқланганидан кейин ҳам рўшнолик кўрмади. Таъқиб тўхтамади, севган соҳаси журналистика билан шуғулланиш у ёқда турсин, унинг матбуот саҳифаларини ўқишига ҳам тўсқинлик кўрсатилди.

Бу ҳақсизликлар ҳам Марямнинг иродасини синдира олмади, ўзини бир лаҳза бўлсин айбдор деб билмади. Ҳақиқатга ишонди, инсонийлигини йўқотмади. Бу билан шўролар тузумининг шармандали тарихида инсон матонати тимсоли сифатида қолди. Марям Султонмуродова қаламига мансуб "Меҳр кўзда", "Кутилмаган бахт", "Қалбим нидоси", "Раҳмат десинлар", "Мажнунтол", "Карвонлар келганда", "Бетамиз йигит" каби кўплаб мақола ва очерклар бу аёлнинг юксак иқтидоридан дарак беради.

**— Чўлпоннинг 17 ёшли шогирди Матлуба Муҳаммад хонимнинг "Мудом Чорнинг қўлида кўп эзилган миллатим", деган мисралар билан бошлангувчи шеъри ўша даврда шўролар мамлакатини ларзага солган экан. Бу шеър Европа матбуотида қайта-қайта нашр этилгач, шўролар истеъдодли шоира таҳсил олаётган Москвадаги Ўзбек маориф институтини ёпган дейишади...**

— Дарҳақиқат, бир шахсиятнинг исёнли овози бутун бир мамлакатга зарба берган. Сиз ҳозир Матлуба хонимнинг "Куртулуш йўлинда" номли шеърини ёдга олдингиз. Ушбу шеърни Саттор Жаббор немис тилига таржима қилгач, ушбу ўтли мисралар машҳур бўлиб кетади. "Шўролар қанчалик босим қилмасин, адабиётимиз Чўлпонларни етиштиришда давом этмоқда, миллатнинг орзу-мақсадлари шу фидойи қизнинг қалбидан отилиб чиқмоқда", дейди фахр билан таржимон.

Матлуба Муҳаммад Марғилоннинг машҳур жадид муаллими Нурмуҳаммад Дадамуҳаммедовнинг қизи. У ўз замонасининг иқтидорли ёшларидан эди. Матлуба 1926 йилгача Қўқон билим юртида таҳсил олади. 1927 йил ўқишини Тошкентдаги аёллар билим юртига кўчириб, сўнг опаси Маҳбуба Дадамуҳаммедованинг изидан бориб Москвадаги Ўзбек маориф институтига ўқишга кирди. У ерда машҳур шоир Чўлпон, Боту, Шокир Сулаймонлардан шеърият сирларини ўрганди. Шокиржон Раҳимий, Қаюм Рамазон, Абдулҳай Тожиевлар суҳбатидан баҳраманд бўлди. Матлуба, айниқса, ўзбек талабаларининг маърифий кечаларида Чўлпоннинг ватанпарварлик мавзусидаги оташин шеърларини ўқиб, ўзи ҳам шу мавзуда шеърлар ёзиб жуда машҳур бўлиб кетган. Унинг бу шуҳрати шўро мамлакати чегараларидан чиқиб, Европа матбуотигача бориб етади. Ва бу "машҳурлик" туфайли Москвада "Комсомольская правда" газетасида унга қарши махсус мақола чоп этилган ва натижада у ўқишдан ҳайдалган. Кўп ўтмай Матлуба ариза ёзиб, ўзига қўйилган айбларнинг туҳмат эканлигини исботлаб, ўқишига тикланади. Бунга бир томондан Ўзбекистон ҳукуматининг аралашуви, иккинчи томондан, Матлубанинг Италия элчихонасига фуқаролик сўраб мурожаат этиши ҳам сабаб бўлган.

Совет ҳукумати Ўзбек маориф институтини ёпиб муаммога ечим топган эди гўё. Матлубахон эса Тошкентга қайтмасдан Москвадаги мусиқа техникумига кириб ўқишини давом эттирган. 1929 йил Ленинград архитектура институти талабаси Восиқ Муҳаммедов билан танишади.

1933 йил Тошкентга келган Восиқ Муҳаммедов Матлубага уйланади. Восиқ Муҳаммедов (1905-1938) ўз вақтида Мунавварқорининг "Намуна" мактаби ифтихори, Фитратнинг "Чиғатой гурунги" иштирокчиси, "Кўмак" уюшмасининг фаолларидан эди. У ўз замонасининг тенгсиз йигитларидан бўлган. Восиқ Муҳаммедов ва гўзал Матлубахон ҳаётларининг энг ширин дамларига ҳам Сталин бошлиқ тоталитар тузум ўзининг жирканч панжасини солди. 1937 йил 17 декабрь куни қамоққа олинган Восиқ Муҳаммедов 1938 йил 5 октябрь куни отиб ташланган.

1938 йил 17 январь куни Тошкент тиббиёт институтининг 3-босқич талабаси Матлуба Муҳаммад ҳам қамоққа олинади. 19 январь куни илк сўроқда у турмуш ўртоғининг давлат ва халқ олдида ҳеч қандай айби йўқлигини баён қилди. 1938 йил 21 февралда иккинчи сўроқда опаси Маҳбуба ва унинг турмуш ўртоғи, Германияда таҳсил олиб қайтган кимёгар олим Саттор Жабборнинг ҳам айбсизлигини таъкидлаган. Бироқ қўйилган бирорта айбловнинг исботланмаганига қарамай, 1938 йил 17 май куни Тошкент вилоят суди томонидан Матлуба Муҳаммедова 10 йилга қамоққа ҳукм этилди. У ноҳақ жазони совуқ Сибирнинг Усольский лагерида ўтади. 1940 йил 26 февралда Матлуба Муҳаммедованинг аризаси қайта кўрилиб, у оқланишга эришди. Ватанга қайтгач, уруш йилларида Тиббиёт институтини тугатди. 1937 йил архитектура



институтида талабалик йилларида қамалиб кетган укаси Фатхулла урушдан сўнг Воркутадаги қамоқхонадан оғир аҳволда қайтади. Матлуба укаси учун Наманганга бориб яшаб, уни даволайди. Фақат Сталин вафотидан сўнггина улар Тошкентга қайтиб келадилар. Матлуба Муҳаммад кўп йиллар халқ саломатлиги йўлида ҳалол меҳнат қилиб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлди. Бир пайтлар Ватан ишқида, истиқлол орзусида оташин шеърлар битган Матлуба Муҳаммедова Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганини ўз кўзлари билан кўрди. Жиянларининг хотирлашича, миллат ҳурлиги, мамлакат мустақиллиги эълон қилинган кунларда чексиз қувонч ёшларини тўккан экан. Матлуба Муҳаммедова 1998 йили Тошкент шаҳрида оламдан ўтган.

**— Хорижда ўқиб келган қизлар нафақат жадидлар фалсафасига, балки ташқи қиёфасига ҳам таъсир кўрсатиб, ҳатто европаликларга ўхшаб кийина бошлашган экан. Айниқса, Германиядан ўқишдан қайтган, дунёқарашида катта ўзгаришлар рўй берган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатлари барчанинг диққат-марказида бўлган. Шу ўринда жадид аёлларимиз қисқа вақт ичида амалга ошириб улгурган янги лойиҳалар ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз...**

— Ўша даврда қадимчилар ва анъанавий одатларга янгилик киритадиганлар ўртасида тортишув ва муҳокамалар кўп бўлган. Табиийки, бу жараёнда қадимчилар кўпчиликни ташкил қилган. Кийиниш масаласидаги эътирозлар, газетанинг бидъат экани ҳақидаги тарғиботлар, театрни тақиқлаш, турмуш



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ

тарзидаги янгича яшаш имконларини рад этиш, ҳатто суннатда йўқ деб таомни қошиқ билан тановул қилишга ҳам қарши фикрлар билдиришлар кун ўтгани сайин жиддий баҳсу мунозараларга сабаб бўлгани ҳақиқат...

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: жадидларимиз Германияга борганида кетмон чопиб деҳқончилик қилаётган халқ вакили сифатида у ердаги техник янгиликлардан ҳайратланиши табиий эмасмиди?.. У пайтларда ёрғучоқда ёки сув тегирмонида ун қилиб юрган, жувозларда ишлаб юрган халқимизнинг бу вакиллари Европадаги улкан кемаларни, завод ва фабрикаларни, осмонда учаётган учоқларни, поездларни кўриб жуда катта ҳодиса сифатида қарашган. Бу янгиликларнинг барчаси жадидлар дунёқарашида инқилоб ясайди ва бу ажабтовур воқеликларни ўз мақолаларида ёзиб тарғиб этгани табиий ҳол. Ўз юртларида ҳам шундай ўзгаришлар бўлишини жуда-жуда исташган. Ўзлари фаолият юритаётган ҳар бир соҳага янги нафас олиб киришга бел боғлашган. Ўз мақолаларини жаҳон матбуотида чоп эттиришади. Ўзларидан олдин хорижга бориб, тараққиёт шабадаларидан баҳраманд бўлган Беҳбудий ва Исхоқхон тўра Ибрат кабиларнинг гаплари ёлғон эмаслигига амин бўлишади.

Жадидлар руҳиятидаги ўзгариш ва янгиланишлар эса ўз-ўзидан ўша давр ёшларида ҳам рағбат уйғотади. Юксалиш учун албатта, илм-фан тараққиёти, фикр ривожи зарурлигини ҳис қилган жадидлар қўрқмай ҳаракат қила бошлаган. Жонларини хатарга қўйиб бўлса-да, Европага яқинлашиш тарафдори эди улар.

**— Муҳими, жадидлар ўзлари фаолият олиб борган соҳаларда янги лойиҳаларни амалга ошира бошладилар. Жумладан, Хайринисо Мажидхонованинг Германиядан қайтиб келибоқ чекка қишлоқларда болалар кўригини ташкил қилиши, тиббиёт борасидаги янги даволаш усуллари кўплаб шов-шувларга сабаб бўлган экан. Биринчи ҳуқуқшунос аёл Дилоро Юсупова эса ўзбек ҳуқуқшунослик мактабига асос солган зиёлилар сафидаги биринчи ўзбек аёли эди. Шундай эмасми?**

— 1922 йилнинг кузида Германияга таҳсил олиш учун Туркистон Республикаси "Кўмак" жамияти томонидан йўлланган 16 нафар талаба орасида Хайринисо Мажидхонова алоҳида ажралиб туради. Қизлар учун оддий мактабга қатнашнинг ўзи жиддий қаршиликка учраб турган бир вақтда уларнинг таҳсил учун узоқ хорижга йўл олиши зиёлилар томонидан улкан жасорат сифатида баҳоланади. Ҳатто, ёш шоир Боту Хайринисонинг Германияга кетаётгани муносабати билан "Эҳтиёт бўл, гўзал қуш" деган шеър битади.

Хайринисо дастлаб Мирободдаги янги мактабда таҳсил олиб, рус ва немис тилларини ўрганган. Унинг дунёқараши шаклланишида Туркистон жадид матбуотининг, шунингдек, бу вақтда биринчи ўзбек хотин-қизлар билим юртида ўқиётган опаси Ойпошшахоннинг ҳам таъсири катта бўлган. 1922 йили "Туркистон" газетасида чоп этилган Хайринисо Мажидхонованинг мақоласида эндигина 17 ёшни қаршилаган қизнинг Ватан истиқболи ҳақидаги орзу-истаклари ўрин олган. Мақолани ўқир экансиз, энг аввало, ўтган асрнинг бошида яшаган бир ўзбек қизининг тафаккури нақадар кенглиги, Ватан тақдири олдида ўзини қанчалик дахлдор сезиши кўпчиликни ҳайратга солиши табиий. Муаллиф "Туркистоннинг дунё савдо майдонида тутқон вазияти XVII асрдан бери тубан даражада қолиб келди... XX асрнинг бошида ҳам қўшнимиз бўлган Эрон халқи сиёсий фикрлар билан суғорилиб, ўз элида саноат турғизиш ва четларнинг таъсиридан қутулиш йўлида қон тўккан муддатда бизнинг Туркистон тинч ухламоқда эди... Фақат Руссиядан темир йўл келиб, савдо майдони кенгайди... Бундан очиқ англашиладирки, бизнинг мозийимизни порлоқ қилғон — элимиздан ўтган карвон йўли бўлса, истиқболимизни порлоқ қилғучи, элимизни жаҳон савдо майдониға тутошдирғувчи улуғ темир йўлдир. Улар бизнинг савдомизни кенгайтур, бизга бойлиқ ва ободлиқ берур ва ўзимизга катта саноат турғазишга имкон очар".

Хайринисо Мажидхонова 1923-1924 йилларда Берлинда "Хорижликлар учун немис тилини ўрганиш" мактабида ўқиб, ўрта маълумот тўғрисида шаҳодатнома олади. 1924-1926 йилларда Дармштадтдаги ўқитувчилар семинариясида немис тили ва адабиёти йўналишида ўқийди. Сўнг икки йил амалиётни Берлин шаҳридаги ўқув муассасаларида ўтаб, ўрта махсус маълумот олгани тўғрисидаги дипломни қўлга киритади. У Берлинда педагогик амалиёт билан бирга машҳур доктор Феккельманнинг тиббиёт ходимларини тайёрловчи хусусий мактабида ҳам таҳсил олган. Хайринисо Мажидхонова 1928 йили юртимизга қайтиб, тиббиёт соҳасида ўрганган барча янгиликларни ҳаётга жорий қилишга бор куч-қуввати билан киришади. Ҳатто олис қишлоқлардаги болалар саломатлигини ўйлаб ташкил этган болалар кўриги кўплаб юртдошларимиз эътирофига сазовор бўлган. Бироқ буюк мақсадлар йўлидан бораётган Хайринисо Мажидхонова навқирон 32 ёшида тоталитар тузумнинг қонли қатағони гирдобига тортилди. 1937 йилнинг 13 сентябрида "1922-1928 йилларда Германияда ўқиган ва 1928 йил СССР ҳудудига жосус сифатида қайтган", деган сохта айблов билан қамоққа олинган. 1938 йилнинг 9 октябрида ўтказилган машъум "Учлик" суди қўйилган айбларнинг ҳеч бири исботланмаганига қарамай, унга ўлим жазосини белгилади. Ҳукм ўша куни ижро этилган.

Биринчи ўзбек аёл ҳуқуқшуноси Дилоро Юсупова эса отаси Собиржон Юсупов билан бирга миллатимиз ҳуқуқшуносларининг биринчи мактабини яратишда жонбозлик кўрсатгани билан тарихимизда ўчмас из қолдирди. Дилоро Юсупованинг ҳаёти отасининг сиёсий қараши туфайли таъқиб ва қувғинларда кечди. У 1922 йил жуда ёшлигига қарамай Бухоро Халқ Жумҳурияти томонидан Москвага ўқишга юборилган. У ерда Ўзбек Маориф институти қошида таълим олади. 1926 йилда Дилоро Юсупова Тошкент комсомолининг округ қўмитасида иш бошлади. Айни пайтда Ўрта Осиё давлат университети (САГУ)нинг суд бўлимига ўқишга кириб, 1929 йилгача таҳсилни давом эттиради. Дилоро 1929 йил институтни



битириб, Самарқандга йўлланма билан ишга юборилган. У ерда бир йил давомида Сув хўжалиги бошқармасида ишлади. Дилоро Юсупова Самарқандда Москвадалигидаёқ танишган, бу вақтда ЎзССР Олий суди судяси бўлган наманганлик Муҳаммаджон Мўминов (1903-1938) билан турмуш қурган. Муҳаммаджон 1928 йил сўнггида "Мамлакатнинг бошқарув тизимида Прокурор назорати" мавзусида ёзган диплом ишини муваффақиятли ҳимоя қилиб, университетни қизил диплом билан битирган. У 1929 йил Самарқандга келиб, Ўзбекистон Олий суди коллегияси аъзоси бўлди. 1931 йилдан ЎзССР Юстиция халқ комиссарлигида бўлим мудири, 1932-1935 йилларда социалистик қурилиш ва ҳуқуқ илмий-текшириш институти директори бўлди. Кейинроқ М.Мўминов ташаббуси билан худди шу институт базасида юридик институт ташкил этилди. Унинг ғайрат-шижоати билан қисқа вақтда кўплаб юридик луғат, журнал, китоблар чиқарилди. Айниқса, 1932 йил "На фронте теории государства и права" китоби нашрдан чиқиши катта шов-шувга сабаб бўлган экан. Дилоро Юсупова дастлаб, Муҳаммаджоннинг тавсияси билан аспирантурага тайёрланди. Улар 1931 йил Тошкентга кўчиб келгач, Совет ҳуқуқи илмий-текшириш институтига ўқишга кирди. 1934 йил декабрь ойида институтни битириш имтиҳонларини топширгач, йўлланма билан Республика Прокуратурасига ишга юборилган. Дилоро синов муддатидан сўнг 1935 йилдан Ўзбекистон Республикаси Прокурори ёрдамчиси лавозимига тайинланади. Ёш оила бахтдан сармаст эди. Ишдаги зиддиятлар, ҳасадгўй кимсаларнинг бўҳтонларига қарамай, улар ҳар куни янги-янги ғоялар, асарлар устида баҳслашарди. Уларнинг бағрида фарзандлари Марат ва Сурайё улғаяди. 1937 йил 29 март куни тун алламаҳалида Уездной кўчаси 11-уй эшигини номаълум нусхалар тақиллатишди. Қўлида ордерини кўрсатиб, М.Мўминовни "Қора қарға"га жойлаб кетдилар.

1937 йил 22 сентябрь куни "халқ душмани" Муҳаммаджон Мўминовнинг хотини, эрининг троцкийчилигини, аксилинқилобий фаолиятини яширган деб 25 ёшли прокурор ёрдамчиси Дилоро Юсуповани ҳам ҳибсга олишган. Унинг 6 ёшли ўғли Марат ҳамда 4 ёшли қизи Сурайё болалар уйига йўлланди. 1938 йил 4 октябрда Муҳаммаджон Мўминов 1927 йил Москвада бўлган намойиш раҳбарларидан деган бўҳтон билан отиб ташланди. Шундан сўнг 1939 йил 14 март куни Дилоро Юсупова иши кўрилиб, ЎзССР ЖК 68-моддасида кўзда тутилган жиноят аломатлари топилмади, деган хулоса билан жиноят иши тўхтатилган. 1939 йил 19 март куни ундан тергов вақтида қўлланган қийноқ ва сўроқлар ҳақида ҳеч қачон гапирмаслик ҳақида тилхат олиб, қамоқдан бўшатишган.

1956 йил 2 июнь куни сўроқда ҳуқуқшунос олима Хадича Сулаймонова устози Муҳаммаджон Мўминов ва Дилоро Юсупова ҳақида шундай дейди: "Мен 1932-1935 йиллар совет ҳуқуқи инстутида ўқиганимда у киши директор эди. М.Мўминовнинг маърузаларини ҳамма севиб тингларди. У ўз вақтида ягона олий маълумотли ўзбек юристи, ҳақиқий олим эди. Тенгсиз иқтидор соҳибига ва унинг ғоят билимли ва истеъдодли турмуш ўртоғига ҳаёт осон кечмади. Уларнинг ғайрати, илми ҳамиша бошқаларнинг ҳасадига сабаб бўлаверарди. М.Мўминов ва Дилоро Юсуповалар мамлакатимиз учун зарур миллий юристлар армиясини етказиб бера олди, ўзларидан кейин бутун бир ўзбек юристлари мактабини қолдирди".

*Бу ерда ўзбек илм-фани, эл-юрт фаровонлиги йўлида жонбозлик кўрсатган бир неча аёл зиёлиларимиз ҳақида тўхталдик, холос. Улар аслида кўп, анча кўп эди. Афсуски, собиқ тузум қатағонига учраган жадид боболаримиз билан елкама-елка туриб фидойилик кўрсатган бундай жадид аёлларимиз ҳақида ҳали деярли ҳеч нарса билмаймиз. Кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан миллий тарихимизнинг муҳим бир қисми бўлган жадидчилик ҳаракати ва унинг намояндаларини ўрганишга, тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Демак, яқин йилларда бу борадаги барча ҳақиқатлар ойдинлашиб, адолат қарор топишига ишонамиз.*

**"Янги Ўзбекистон" мухбири Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА суҳбатлашди.**

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-346.
13787 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 01:20 Топширилди — 02:15

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz